



МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ  
ҚУРИЛИШИ ВА МОНТАЖИ (ИССИҚЛИК-  
ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ)

Тошкент архитектура-қурилиш  
институти ҳузуридаги тармоқ  
маркази

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧАН  
ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**

**ТОШКЕНТ-2020**

*Мазкур ўқув-услубий мајсума Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.н., профессор, Рашидов Ю.К.

**Такризчи:** А.Н.Ризаев – техника фанлари доктори, профессор

*Ўқув -услубий мајсума ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>68</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>103</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>110</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>113</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5577-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастурнинг мазмuni тингловчиларни **“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”** модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос

хусусиятлари, илгор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таниширишдан иборат.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш модулининг мақсад ва вазифалари:**

- қайта тикланувчан энергия манбаларининг турлари, улардан фойдаланиладиган курилмаларнинг асосий конструктив ечимлари, тизимлардаги ускуна ва жихозларни, технологик жараёнлари, Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишининг янги технологиялар ва инновациялар тўғрисида билимларни кенгайтириш;

- қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиладиган курилмаларнинг асосий конструктив ечимларини, тизимлардаги ускуна ва жихозларини, технологик жараёнларини, янги технологиялар ва инновациялар самарадорлигини баҳолаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиладиган курилмалар ва тизимларини қуриш, монтаж қилиш ва уларни ишлатиш усулларини амалиётда татбиқ этиш, янги технологиялар ва инновацияларини кўлланилиши бўйича тавсиялар бериш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишда янги технологиялар ва инновацияларни;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимлардаги оқиб ўтадиган иссиқлик жараёнларининг назорати ва бошқарувини;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимларининг асосий схемаларини ва уларни ишлатишнинг замонавий усулларини **билиши керак**.

#### **Тингловчи:**

- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишдаги янги технологиялар ва инновацияларини самарадорлигини баҳолаш;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимлардаги оқиб ўтадиган иссиқлик жараёнларини тўғри хисоблаш **қўникмаларига эга бўлиши лозим.**

**Тингловчи:**

- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишда янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимлардаги оқиб ўтадиган жараёнларининг назорати ва бошқаруви;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимларини замонавий усулларда лойиҳалаш бўйича **малакаларига эга бўлиши зарур.**

**Тингловчи:**

- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишда янги технологиялар ва инновацияларини қўлланилиши бўйича тавсиялар бериш;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимлардаги оқиб ўтадиган жараёнларини баҳолаш бўйича;
- Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш тизимлари бўйича тавсиялар бериш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулини ўқитиши жараённида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараённида лойиҳа ва Кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик жараёнлари ҳамда газ таъминотида янги технологиялар”, “Энергия тежамкор вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари” ва бошқа блок фанлари билан ўзвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг укув юкламаси, соат</b>					<b>Кучма машғулот</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>Аудитория укув юкламаси</b>			<b>Жами</b>		
			<b>Жумладан</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>			
1	Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги.	2	2	2				
2	Куёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Куёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.	2	2	2				
3	Куёш радиацияси интенсивлигини ҳисоблаш	2	2		2			

<b>4</b>	Күёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари билан танишиш	2	2		2	
<b>5</b>	Күёш коллекторларининг тузилишини ўрганиш	2	2		2	
<b>6</b>	Күёш коллекторларига қўйиладиган талаблар ва қурилмаларини конструкциялаш билан танишиш	2	2		2	
<b>7</b>	Күёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ҳисоблаш	2	2		2	
<b>8</b>	Күёшли абсорбцион совитиш қурилмалари билан танишиш	2	2		2	
<b>9</b>	Биомассалардан фойдаланиш қурилмалари тузилиши билан танишиш	2	2		2	
<b>10</b>	Биноларнинг иссиқлик таъминотида қуёш энергиясидан фойдаланиш қурилмалари билан танишиш	4	4			4
<b>Жами</b>		<b>22</b>	<b>22</b>	<b>4</b>	<b>14</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1 - мавзу: Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги**

Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланмас (анъанавий) энергия манбалари. Органик моддаларнинг кимё реакциялари ва ядро энергияси. Қайта тикланувчан (муқобил) энергия манбалари. Күёш ва шамол энергияси, қуёш, ер ва ой орасидаги гравитация ўзора таъсирининг энергияси, океан, денгизлар ва дарёларнинг гидроэнергияси, ер ядросининг иссиқлик энергияси, геотермал сувлар энергияси, биомассалардан олинадиган энергия.

Қайта тикланувчан энергия манбаларининг турлари ва уларнинг техникавий потенциали. Қайта тикланувчан энергия манбаларига хос бўлган афзалликлар ва камчиликлар. Ўзбекистон Республикасида Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожланиши

ва асосий техникавий муаммолари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги.

## **2 - мавзу: Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.**

Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергиясини механик, иссиқлик ва электр энергия турларига айлантириш усуллари ва қурилмалари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар. Қуёш радиацияси. Ер атмосферасидан ташқаридаги қуёш радиацияси. Қуёш доимийси. Ер юзасидаги қуёш радиацияси. Ер юзасидаги қуёш радиациясини камайиши. Тўғри ва тарқоқ қуёш нурланиши. Тўғри қуёш нурланиши тарқалишининг йўналиши. Тарқоқ нурланишининг йўналиши. Қуёш нурланиши оқимининг ўртача суткалик интенсивлиги.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот: Қуёш радиацияси интенсивлигини ҳисоблаш**

Тўғри қуёш радиациясининг интенсивлиги, тарқоқ қуёш радиациясининг интенсивлиги. Қуёш коллекторининг ихтиёрий фазовий ҳолати учун тўғри ва тарқоқ қуёш радиациясининг соатли йиғиндилигини аниқлаш. Тарқоқ радиация учун қуёш коллектори ҳолатининг коэффициенти. Ютилган қуёш радиациясининг келтирилган интенсивлигини аниқлаш.

#### **2-амалий машғулот: Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари билан танишиш**

Қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимлари. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини танлаш. Табиий циркуляцияли қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари. Икки контурли қурилмалар. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаш бўйича тавсиялар.

#### **3-амалий машғулот: Қуёш коллекторларининг тузилишини ўрганиш**

Қуёш коллекторларининг турлари. Яssi қуёш коллекторлари. Суюқликли ва ҳаволи яssi қуёш коллекторлари. Суюқликли қуёш коллекторларининг схемалари. Концентраторли қуёш коллекторлари. Қуёш коллекторларининг самарадорлиги ва уни ошириш усуллари. Қуёш коллекторлари учун селектив сиртлар. Иссиқлик қувурли қуёш коллекторлари. Вакуумланган шишали қувурсимон коллекторлар.

Куёш коллекторларининг турланиши ва уларни танлаш. Ясси қуёш коллекторлари. Фокуслайдиган қуёш коллекторлари. Парабола-цилиндрик концентраторлар, фоклинлар. Вакуумланган шишали қувурсимон коллекторлар. Қуёш коллекторларнинг асосий кўрсаткичлари.

#### **4-амалий машғулот: Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар ва қурилмаларини конструкциялаш билан танишиш.**

Куёш коллекторларига қўйиладиган талаблар. Бир ёки икки кават ойнали ясси окиб утувчи қуёш коллекторлари. Концентрациялайдиган қуёш коллекторлари. Ойнасиз ясси коллекторларни қўллаш. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини конструкциялаш. Мавсумий қуёшли сув иситгич қурилмалари. Йил давомида узлуксиз ишловчи қуёш сув иситгич қурилмалари. Бир контурли термосифон ва насосли қуёшли сув иситиш қурилмалари. Икки контурли антифризли ва дренаж бакли қуёшли сув иситиш қурилмалари.

#### **5-амалий машғулот: Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ҳисоблаш**

Мавсумий дублёрсиз қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг майдони аниқлаш. Қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртacha мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги топиш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг дастлабки майдони ҳисоблаш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг якуний майдони аниқлаш. Қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш коэффициентини топиш. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод қилинган ёқилғи миқдорини аниқлаш.

#### **6-амалий машғулот: Қуёшли абсорбцион совитиш қурилмалари билан танишиш**

Ўзбекистон шароитида қуёшли совитиш машиналардан фойдаланишнинг афзаликлари. Даврий харакатли адсорбцион гелиосовитиш қурилмаси. Сутка давомида доимий харакатли гелио адсорбцион совитиш қурилмаси.

## **7-амалий машғулот: Биомассалардан фойдаланиш қурилмалари тузилиши билан танишиш**

Биогаз қурилмалари. Биогаз қурилмаларисини тузилиши. Биогаз қозонлари. Чиқинди газларни олишнинг намунавий схемаси. Маиший чиқиндилардан ажратиб олинаётган газ.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **Кўчма машғулот: Биноларнинг иссиқлик ва электр таъминотида қуёш энергиясидан фойдаланиш қурилмалари билан танишиш.**

Ўзбекистон Республикаси ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБнинг Физикатехника институти гелиополигонида ўрнатилган Биноларнинг иссиқлик ва электр таъминоти тизимларида кўлланиладиган қуёшли автоном қурилмалари билан бевосита танишиш ҳамда “Халқаро қуёш энергияси институти” нинг бир қаватли намунавий энерготежамкор биносининг қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган иситиш ва электр таъминотининг замонавий жиҳозларини амалдаги иссиқлик-техникавий ва электрик кўрсаткичларини ўрганиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (loydиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Фикр:** “*Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш анъанавий энергия ресурсларини тежсаи ва атроф мухитни ҳимоя қилиши муаммоларини хал этади*”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли

ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш ўйларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Анъанавий ва Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишининг афзалликлари ва камчиликларини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Анъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан амалий фойдаланишининг кучли томонлари	Анъанавий энергия манбаларидан қайта тикланувчан энергия манбаларига ўтиш учун ўйлар - бошқа имкониятларни/усулларни тарқатиш ва тестлаш. Эволюцион инновацияларни ўзгаришдан (изменение, mutation) бошлаб, саралашга (отбор) утиш керак, ва, нихоят, ишлаб чиқаришга (воспроизведение) келтириш даркор.
W	Анъанавий энергия манбаларидан амалий фойдаланишдаги кучсиз томонлари	Энергия ресурсларини тежаш учун шароитларни яратиб берса олмаслиги
O	Анъанавий энергия манбаларидан амалий фойдаланишдаги имкониятлари (ички)	Янги энергия тежамкор технологиялардан иссиқлик таъминоти тизимларда фойдаланиш
T	Тўсиқлар	Анъанавий ва Қайта тикланувчан

	(ташқи)	энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари
--	---------	--

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

*Анъанавий энергия манбаларидан фойдаланаадиган тизимларнинг асосий белгилари: очиқ тизим, ягона иссиқлик манбаи, иссиқлик энергиясини катта сарфи, элеватор орқали уланиши, пўлат қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга зарар келтириши.*

*Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланаадиган тизимларнинг асосий белгилари: ёпиқ тизим, бир нешта иссиқлик манбаи, қайта тикланувчан энергия ресурсларини ишлатиши, иссиқлик энергиясини кам сарфи, иссиқлик алмашинув аппаратлари орқали уланиши, пўлат ва пластмасс қувурлардан фойдаланиши, атроф муҳитга кам зарар келтириши.”*

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб,

изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Энергетика	энергетик ресурсларни ишилаб чиқариш, узатиши, ўзгартириши, аккумуляция қилиши, тарқатиши ва турли кўринишдаги энергиялардан фойдаланиши тизимларини қамраб олган иқтисодиёт, илм ва техника йўналиши	
Энергия ташувчи	турли агрегат ҳолатдаги (қаттиқ, суюқ ва газ) модда ва материяни бошқа кўринишдаги (плазма, майдон нурланиши ва ҳ.к) маълум бир энергияга эга бўлиб энергия билан таъминлаши мақсадида фойдаланувчи модда	
Муқобил энергия манбалари	Қайта тикланадиган энергия манбалари: қуёш, шамол, термал сувлари, дарё, денгиз, океан сувларининг энергияси	
Анъанавий энергия манбалари	Қайта тикланмайдиган энергия манбалари: кўмир, нефт, табиий газ, ядер ёқилғи	
Қайта тикланадиган	Қуёш, шамол, термал сувлари, дарё, денгиз, океан сувларининг энергияси	

<i>энергия манбалари</i>		
<i>Бирламчи энергия манбалари</i>	<i>Қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбалари</i>	
<i>Ёқилғи-энергетик ресурслар</i>	<i>техника ва технологияни тараққиёти бүйіча хұжалик доирасыда фойдаланғыш учун захиралдагы қазиб олинаётгандықтан ёқилғи ва ишлаб чиқарған энергия ташувчилар мажсусасы</i>	
<i>Қайта тиклануучан ёқилғи энергетик ресурслар</i>	<i>табиий жараёнлар натижасыда узлуксиз түлдіриб туриладын табиий энергия ташувчилар</i>	
<i>Номрадион қайта тиклануучан энергия манбалари</i>	<i>биомассасини түзгидан-түзгри ёқиши ва гидроэнергиядан бошқа барча турдаги қайта тиклануучан энергия манбалари.</i>	
<i>Қайта тикланадиган энергетика</i>	<i>қайта тиклануучан энергия манбаларини бошқа турдаги энергияга айлантириши соҳа</i>	
<i>Шамол энергетикаси</i>	<i>шамол энергиясыдан фойдаланиб механик, иссиқлик ва электр энергияси олиш билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	
<i>Гидроэнергетика</i>	<i>сув ресурсларидан фойдаланиб механик энергия олиш билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	
<i>Куёши энергетикаси</i>	<i>куёши энергиясидан фойдаланиб иссиқлик ва электр энергияси олиш билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	
<i>Куёши ёрдамида иссиқлик билан таъминлаш</i>	<i>куёши нуридан иситиш, иссиқ сув билан истеъмолчиларни технологик эхтиёжларини таъминлаш мақсадида фойдаланиши.</i>	
<i>Куёши ёрдамида иссиқ сув билан таъминлаш</i>	<i>куёши нури энергиясидан, машиний- коммунал ва технологик заруриятлар учун сувни қиздириб береш мақсадида фойдаланиши.</i>	
<i>Куёши батареяси</i>	<i>куёши энергиясини электр энергиясига түзгидан-түзгри ўзгартиришинг турли физик омилларига асосан ишлаб чиқарилган элемент</i>	

<i>Күёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини иссиқлик энергиясига түгридан-түгри айлантириб берувчи элемент</i>	
<i>Ясси қүёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини концентрация қилмасдан туриб иссиқлик энергиясига айлантириши элементи</i>	
<i>Фокуслайдиган қүёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини концентрация қилиб иссиқлик энергиясига айлантириши элементи</i>	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот гlosсарийда келтирилган.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1- мавзу: Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги**

**Режа:**

1. 1. Қайта тикланувчан энергия манбаларининг турлари: қуёш, шамол, гидро, геотермал, ер ости иссиқлик энергияси. Республикада мавжуд бўлган қайта тикланувчан энергия манбаларининг потенциали.

1.2. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг илмий тамоиллари. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг республика учун аҳамияти. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.

1.3. Иссиқлик аккумуляторлари. Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларини ҳисоби. Қуёшли совитиш қурилмалари.

**Таянч иборалар:** энергия, энергетика, энергия ташувчи, анъанавий энергия манбаси, муқобил энергия манбаси, қайта тикланадиган энергия манбалари, қайта тикланмайдиган энергия манбалари, бирламчи энергия ташувчиси, ёқилги-энергетик ресурслар, қайта тикланадиган энергетика, шамол энергетикаси, гидроэнергетика, қуёш энергетикаси

**1.1. Қайта тикланувчан энергия манбаларининг турлари: қуёш, шамол, гидро, геотермал, ер ости иссиқлик энергияси. Республикада мавжуд бўлган қайта тикланувчан энергия манбаларининг потенциали.**

Маълумки, энергия деб жисмларнинг иш бажариш қобилиятига айтилади. Энергиядан тўлиқ фойдаланиш мумкин эмас, уни фақатгина бир кўринишдан бошқа кўринишга айлантириш мумкин. Ушбу қонун табиатнинг асосий (фундаментал) қонунлардан бири бўлиб, энергияни сақланиш қонуни деб аталади<sup>1</sup>. Масалан, нефт ёқилганда биз ёниш маҳсулотлари сифатида асосан карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) ва сувни оламиз, кимё энергияси эса иссиқлик энергиясига айланади. Барча энергетик жараёнларда энергия йўқолмайди, у фақат айланади. Одатда, биз истеъмол қилган энергия, охирида иссиқлик энергиясига айланиб, атроф муҳитга тарқалади, сўнгра ушбу энергия иссиқлик нурланиш орқали ер юзасидан коинотга узатилади.

---

<sup>1</sup> Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford University. New York, 2005.

Шундай қилиб ердаги иқлим иссиқлик энергия баланси натижасида маълум температура меърида сақланиб турилади.

Табиатда мавжуд бўлган энергия хар ҳил турларда бўлади, шунинг учун бизни олдимизда турган асосий вазифа бу керакли фойдалари энергия турини олишни ўрганиш, уни айлантириш ва фойдаланишdir<sup>2</sup>

Атрофимиздаги барча энергия манбаларини бирламчи энергия ташувчилари бўйича иккита катта гурухга ажратиш мумкин: қайта тикланмас (анъанавий) ва қайта тикланувчан (муқобил).

Анъанавий, яъни қайта тикланмас энергия манбаларига кўмир, нефт, газ, ядро энергияси киради. Қайта тикланмас энергия манбалари бирламчи энергия ташувчиларининг захиралари ер юзида чегараланган бўлиб, улар маълум вақтдан сўнг тугаши мумкин.

Муқобил, яъни қайта тикланувчан энергия манбалари ҳар йили қайта ҳосил бўлиши натижасида улардан чексиз вақт давомида фойдаланиш мумкин. БМТ бош ассамбяси №33/148 сон резолюциясига мувофиқ ноанъанавий ва янги ҳосил бўлувчи энергия манбааларига қуидагилар киради: қуёш, шамол, геотермал, денгиз тўлқинлари, океан ва денгизлар соҳилларидаги тўлқинлардан ҳосил бўлувчи энергия биомасса, ёғоч, ёғоч-кўмир, торф, сланецлар, битумсимон қумликлар, катта ва кичик сув оқимлари гидроэнергияси.

Ер юзасида мавжуд бўлган айрим энергия манбаларининг захиралари 1-жадвалда келтирилган.

Ер юзасидаги айрим энергия манбалари захиралари 1-жадвал


Энергия тури	захиралар, кВт·ч
Янги ҳосил бўлмайдиган энергия манбалари:	
Ядро энергияси (бўлинеш)	$547000 \cdot 10^{12}$
Ёнувчи моддалар кимёвий энергияси	$55000 \cdot 10^{12}$
Ернинг ички иссиқлиги	$134 \cdot 10^{12}$
Ҳар йили янги ҳосил бўлувчи энергия манбалари:	
Қуёш нури энергияси	$580000 \cdot 10^{12}$
Денгиз оқимлар энергияси	$70000 \cdot 10^{12}$
Шамол энергияси	$1700 \cdot 10^{12}$
Дарё энергияси	$18 \cdot 10^{12}$

Ҳозирги кун анъанавий энергетикасининг асоси бўлиб қўмир, нефт ва газ захиралари, шунингдек дарё энергияси ҳисобланади, уларнинг захираси

<sup>2</sup> Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford University. New York, 2005.

бутун ер энергия заҳираларининг 5% ини ташкил қиласи ҳолос. Шунга қарамай, улар инсониятнинг энергетикага бўлган эҳтиёжининг 90%ини қондира олади.

Бирламчи энергия ресурсларнинг орасида табиий газнинг истеъмоли (1.1.1-расм) Ўзбекистон Республикасида биринчи ўринда туради (84,7%).



**1.1.1-расм.** Ўзбекистон Республикасида бирламчи энергия заҳираларининг истеъмоли

Илм-техника ривожланишиниг мавжуд даражасида энергия истеъмол қилиниши органик ёқилғи (кўмир, нефть, газ)даги фойдаланиш ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Кўпгина тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, 2020 йилга органик ёқилғи дунё бўйича энергетикага бўлган талабни қисмангина қондиради. Энергияга бўлган талабнинг қолган қисми ноанъанавий ва янги ҳосил бўлувчи бошқа энергия манбаалари ҳисобига қондирилади. Янги ҳосил бўлувчи бошқа энергия манбаалари – бу доимий мавжуд ёки атроф-муҳитда даврий равишда пайдо бўлувчи энергия оқимлариdir. Янги ҳосил бўлувчи қувват инсонни йўналтирилган фаолияти маҳсули эмаслиги- унинг фарқли жиҳатидир.

Янги ҳосил бўлмайдиган қайта тикланмас энергия манбаалари – бу модда ва материалларнинг табиий заҳираси бўлиб, энергия ишлаб чиқариш учун инсон томонидан ишлатилиши мумкин. Бундай қувват манбааларига ядро ёқилғиси, кўмир, нефть, газ мисол бўла олади. Янги ҳосил бўладиган манбаалардан фарқли равишда янги ҳосил бўлмайдиган қувват манбаалари табиатда бир-бирига боғлик ҳолатда жойлашади ва инсон аралашуви натижасида ажратиб олинади.

Қуёш ва шамол энергияси, қуёш, ер ва ой орасидаги гравитация ўзора таъсирининг энергияси, океан, денгизлар ва дарёларнинг гидроэнергияси, ер

ядросининг иссиқлик энергияси, геотермал сувлар энергияси, биомассалардан олинадиган энергия қайта тикланувчан қайта тикланувчан энергия манбалариға киради.

Ер юзаси пайдо бўлгандан бошлаб, инсон қуёш нурларидан фойдаланган. Археологик маълумотлардан маълумки, яшаш учун инсонлар тинч, совуқ шамоллардан асрайдиган, қуёш нури тушадиган жойларни танлашган. Қуёш ҳақида афсоналар тўқилган, уни худолаштиришган. Қадимги Мисрда Ра – қуёш худоси ҳисобланган. Биринчи машхур гелиосистема деб бизнинг эрамизгача XV асрга мансуб Аменхотепа III ҳайкалини аташ мумкин. Ҳайкал ички томонидаги ҳаво ва сув камералари қуёш нури таъсирида беркитилган мусиқали асбобни ҳаракатга келтирган. Қадимги Грецияда Гелиосга сифинишган. Бу худо исми ҳозирги кунда қуёш энергетикаси билан боғлиқ кўпгина атамаларга асос қилиб олинган. Қадимги славянларда Дождьбог – қуёш, иссиқлик ва ёруғлик манбаи илоҳийлаштирилган. Қадимда шундай сирли иншоотлар бўлганки, ҳозирги кунда улардан гелиоколлекторлар сифатида фойдаланилган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон қурилиш меъморчилиги ибтидоси бизнинг эрамизгача III асрга бориб тақалади. IX-X асрларда қурилган ва бизнинг давргача сақланиб қолинган кўпгина бинолар ва иншоотлар ҳақли равищда қурилиш саънати чўққиси бўлиб ҳисобланади, XVI-XVII асрда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган бино ва иншоотлар юксак меъморий-қурилиш мактабидан далолат беради, бу бино ва иншоотларда шакл ва фазовий таркиб уйгунлиги, табиий-иқлим ва шахарсозлик шароитлари ҳисобга олинган ички ва ташқи муҳит яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида”ти қонуни ижроси энергетик ресурсларни асрash ва улардан рационал фойдаланиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, инсон саломатлигини асрash ҳамда альтернатив қувват манбаларидан кенг фойдаланиш масалаларини белгилаш имконини беради. МЧЖ “Қурилишгелиосервис” маҳсус йирик корхонанинг ташкил қилиниши қуёш системаларини Ўзбекистон ҳудудида қўллашнинг кенг дастурини ишлаб чиқиш имконини берди.

Маълумки, ёқилгини энергияга айлантиришда, кўп ёки кам даражада атмосферага заарли чиқиндилар чиқиб, атроф-муҳитни заарлайди. Ерлардан интенсив фойдаланиш, хом-ашё қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар сонини қисқартириш, инсон яшashi учун табиий муҳитини камайтиради. Маълумки, қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда энергетика ресурсларини истеъмол қилишда бошланғич даражадаги энергиянинг 90% йўқотилади. Бу, биринчи навбатда истеъмолчига етиб боргунга қадар хом-ашёни кўпгина технологик жараёнлардан ўтиши ҳамда анъанавий энергия таъминоти қимматлашишига олиб келади. Шунинг учун архитекторлар ва қурувчилар XXI аср меъморий лойиҳалашни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиша, шаҳар

таркиби ва алоҳида биноларни ишчи лойиҳаларда табиий ресурсларни асраш ва иложи борича янги ҳосил бўлган энергия манбаалари ва биринчи навбатда қуёш энергиясидан самарали фойдаланишни ҳисобга олувчи лойиҳавий ечимларни кенгроқ қўллашлари талаб қилинади.

Янги ҳосил бўладиган манбааларга қуёш энергияси, шамол энергияси, (дарёлар) гидроэнергия, оқимлар, тўлқинлар, ернинг чукур қатламлари энергияси. Мамлакатнинг иссиқлиқ балансида энергиянинг янги ҳосил бўлмайдиган манбаалари 90% ни, шундан 30% и нефть, 40% и газ, тошкўмир 20%ни ташкил қиласди. Бутун органик ёқилғи (нефть, газ, тошкўмир ва ҳ.к.) бу қуёш энергиясининг турли босқичларидан ўтиб, қайта шаклланиб миллион йиллардан кейин бизгача етиб келган кўриниши бўлиб, уларнинг тугаши ва қимматлашиши хавфи бор.

Қуёш ерга юбораётган нур оқимишнинг қуввати ҳақиқатдан улкандир, ерга тушадиган 100% қувватнинг (ўрта ҳисобда 340 Вт 1кв.м.га тўғри келади) 47% и ер юзига тушади (160 ВТ), қувватнинг қолган қисми дунё фазосига тарқалади ва планета иссиқлиқлик балансини таъминлайди.

Ер юзасининг 1 кв.м.га тўғри келадиган қуёш энергияси 160 Вт/м<sup>2</sup>ни ташкил қиласди, лекин турли географик кенгликлар учун бу кўрсаткичлар турличадир, намлиқ, булутли ҳаво, атмосферанинг чангланганлиги, ер сатҳининг баландлиги, йил фасллари, суткалик ҳарорат ва бошқаларга боғлиқ.

Хозирги долзарб масала ер юзига тушадиган қуёш энергиясининг қанча қисми инсон эҳтиёжлари учун сарфланишидадир. Инсон томонидан фойдаланиладиган қуёш энергияси йўқ бўлмайди, балки шакли ўзгаради (маълум юза билан тўқнашишган бошқа тана орқали атроф муҳитга чиқиб кетади), конвекция орқали (бу юза атрофида ҳаво айланиши ҳисобига) ва нурланиш орқали (ҳар бир қизиган юза иссиқлиқ тарқатади). Шу учта ҳолнинг ҳар бири юза ҳарорати ҳамда юза ва атроф муҳит ҳароратлари фарқига боғлиқ, бунда иқлимини ўзгаришлари ҳисобга олинади.

Энергиянинг анъанавий ва ноанъанавий манбаалари.

Муқобил ва қайта тикланувчан энергия манбаларнинг потенциал қуввати, йилига млрд. т.у.т.:

- қуёш энергияси 2300;
- шамол энергияси 26,7;
- биомасса энергияси 10;
- ер иссиқлиги 40000;
- кичик дарёлар энергияси 360;
- денгиз ва океанлар энергияси 30;

- кичик потенциалли иккиламчи қувват манбаалари энергияси 30 ни ташкил этади.

Янги ҳосил бўладиган энергия манбаалари ва маҳаллий ёқилғи турларидан фойдаланишнинг стратегик мақсадлар вазифалари қуидагилар:

- янги ҳосил бўлмайдиган ёқилғи – энергетик ресурслар истеъмолини қисқартириш;
- ёнилғи – энергетик мажмуадан пайдо бўладиган экологик юкламани пасайтириш;
- узоқ ва мавсумий ёқилғи етказиб бериладиган ҳудуд ва истеъмолчиларни таъминлаш;
- узоқдан ташиб келтириладиган ёқилғи ҳаракатларини пасайтириш;
- қуидаги муаммоларни ҳал этиш – янги ҳосил бўладиган қувват манбааларини ривожлантиришни тақазо этади:
  - аҳолини турғун электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда минтақаларда марказлашмаган энегия билан таъминлашни йўлга кўйиш;
  - аҳолини энергия билан таъминлаш минимумини ва марказлашган энергия таъминлаш минтақаларида ишлаб чикиришни кафолатлаш, энергия танқислигини бартараф этиш, авария ва чеклов ўчиришлар натижасида вужудга келувчи етишмовчиликларни бартараф этиш;
  - мураккаб экологик шароитга эга аҳоли пунктлари ва шаҳарлар ҳамда аҳоли ялпи дам олиш жойларида энергетика ускуналаридан чиқадиган зарарли чикиндиларни миқдорини пасайтириш.

## **1.2. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг илмий тамойиллари. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг республика учун аҳамияти. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.**

Ҳозирги кунда ноанъанавий энергетикага ҳудудий ва маҳаллий маъмурият қизиқиши ортиб бормоқда.

Баҳолаш шуни кўрсатадики, 2010 йилга келиб, 1000 МВт қувватли электр ва 1200 МВт га эга иссиқлик қувватлари янги ҳосил бўлувчи энергия манбаалари асосида ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаши натижасида ишга туширилади.

Янги ҳосил бўлувчи энергия турлари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланиш сезиларли қўлам касб этди ва турғун ўсиш суръатлари жадаллашмоқда. Турли тахминларга кўра бу улуш 2010-2020 йилларга келиб кўпгина давлатларда 10 % ва ундан кўп, Европа тарзидаги мамлакатлари учун бу кўрсаткич 20 % га етиши мумкин.

Албатта, ҳозирги кунда табиий ресурлардан фойдаланмай туриб биноларни иссиқлик энергия билан таъминлаш қийин. Биринчи навбатда янги ҳосил бўлмайдиган энергия ташувчилар сарфлаш миқдорини 1/5 га қисқартиришга, кутилаётган Экологик талофат эҳтимолини пасайтиришга, энг муҳими уй эгасига ўз уйи ҳаражатларини қисқартиришга ёрдам беради.

Биноларни энергия билан таъминлаш тўлиқ ёки қисман янги ҳосил бўлувчи энергия ресурслари билан алмаштирилганда кўпгина муаммолар ҳал бўлади. Туарар жой биноларини иситиш (ёки совитиш), иссиқ сув билан таъминлаш экологик системалари билан жиҳозлаш керак. Албатта, гелиосистема ускуналари ва уни ўрганиш баҳоси ҳозирги кунда ниҳоятда қиммат. Лекин қуёш нури текинлигини, яъни ҳосил бўлмайдиган энергия ташувчилар нархи кескин ошишини ҳисобга олсан, 2-3 йил ичида қуёш нурини қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар ўзини қоплайди ва бутунлай ишдан чиқгунича улардан фойдаланса бўлади.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишланмалар истиқболларини ҳисобга олиб, кўрилмасдан башорат қилиш мукинки, 2010-2015 йилларга келиб катта самарага эга бўлган гелиосистемалар пайдо бўлади ва улар ўз-ўзини қоплаш муддати 1йилга teng бўлади. Ускуналар баҳоси ҳозир ҳам 10 йил аввалгилари баҳосига қараганда анча паст.

Янги бино қурилишда ёки мавжуд бинони реконструкция қилишда янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг турли қурилиш усувлари қўлланилганда бундай натижага эришиш мумкин.

60-70 йилларда МДҲ мамлакатларида ноанъанавий энергия турларидан фойдаланиш бўйича илк қадамлар қўйилган. Бу даврда автоном энергия таъминотли фитоэлектрик қурилмалар пайдо бўлди ва фазода ўзини яхши оқлади. 80-йиллар охирига келиб умумий майдони  $150$  минг  $m^2$  бўлган ҳудудни иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш қурилмалари ишга туширилган, қуёш коллекторлари ишлаб чиқариш эса йилига  $80$  минг  $m^2$  ни ташкил қилган. 90-йилларда юзага келган иқтисодий қийинчиликлар натижасида бизнинг мамлакатимизда ноанъанавий энергия турларидан фойдаланишни ривожлантириш тўхтатиб қўйилди. Лекин ҳозирги кунда бутун дунёда ва бизнинг мамлакатимизда ҳам ноанъанавий энергия турларидан фойдаланиш кенг тус олмоқда.

Экологик ҳолат архитектор ва қурувчилардан янгича фикрлашни талаб қилмоқда. Замонавий энергетика, бугунги кунда анъанавийга айланиб, энергия ташувчисига қараб, умуман олганда бино ва шаҳарларни энергия билан таъминлашда атроф-мухит экологиясига салбий таъсир ўтказмоқда.

Маълумки, қуёш энергиясидан асосан кам қувватли комунал-маиший иссиқ сув билан таъминлаш ва иситгичдан фойдаланилади. Дунё бўйича кам қувватли иссиқлик ишлаб чиқариш яқин истиқболда  $5 \times 10^6$  Гкал.ни ташкил этади. Фитоэлектрик қурилмалар умумжаҳон йифинди қувватни 500 МВт.га тенг.

Нашр этилган Internet маълумотларини таҳлили шуни кўрсатади-ки, энергияга бўлган эҳтиёж бутун жаҳонда янги ҳосил бўлувчи қувват манбаларини 4-авлодидан фойдаланишга туртки бўлмоқда. Бундай усувлар биноларни энергия билан таъминлашни самарали воситалари – қуёш

қурилмаларини жиҳозлаш ва ўрнатишни кам сарф-ҳаражат қилиб амалга ошириш имконини беради.

Ишланмалар ичида иккита йўналишни белгилаш ва ҳисобга олиш лозим:

- майда автоном истеъмолчиларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган чегараланган қувват даражали қуёш энергоқурилмаларини ишлаб чиқариш ва қўллаш;

- шимолий ва чўл ҳудудларда чегараланган қувватли қуёшли энергетик станциялар яратиш;

Бу дунё энергия баланси миқиёсидаги муаммони янги ҳосил бўлувчи энергияни сарфлаш воситасида ҳал қилиш имконини беради.

Бинолардан фойдаланишда қуёш нуридан қандай фойдаланса бўлади?

Бир нечта қоидаларни кўриб чиқамиз:

- қуёш нури – бино ёки қабул қилувчи юзага қуёш нурланишини таъсири. Қуёш энергиясини қабул қилиш учун қабул қилувчи юза жануб томонда бўлиши керак, яъни турар жой биноларини кенглик бўйича жойлаштириш самарали;

- қуёш радиациясидан ойнали дарчалардан (дераза, витражлар, витриналар) тўғридан-тўғри нурларни қабул қилиб пассив фойдаланиш; билвосита мавзелар, деворлар, томлар, қишки боғлар тўсиқлари орқали фойдаланилади.

- қуёш радиациясидан фаол фойдаланиш махсус ускуналар – гелиоколлекторлар, ер устида фойдаланувчи қуёшли фитоэлектрик қурилмалар томонидан қабул қилинади ва узатилиш воситасида амалга оширилади;

- янги бино қуришда ёки эскисини қайта қуришда бинога янги энергияфаол қурилмалар ва конструкциялар қўшиб қуриладики, улар сунъий равища шамол оқимлари тезлигини ўзгартиради;

- қуёш энергияси ва шамол энергиясиз турли вақт оралиғида фойдаланишга мўлжалланган интеграллашган системаларни ўрнатиш турар жой мухитини ташкил қилишда алътернатив энергияни самарали ишлатишга ёрдам беради;

- гелиоэнергияфаол бинони архитектуравий ва конструктив ечими гелиосистемаларни қўллаш технологиясига боғлиқ. Тархларни ечими пластикаси шамол йўналиши ва қуёш нурини тутиб қолишининг максимал самарали йўналишини белгилайди.

Алътернатив энергиятежаш қурилиш усуулларини қўллаб биноларни лойиҳалаш ёки қайта қуришда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

Биринчи навбатда, ҳудуд иқлими ва муайян қурилиш жойи метеошароити, гелиомайдони қуёш нурлари билан ёритилганлигини ҳисобга олиш лозим .

- лойиҳа албатта энергия тежаш шароитлари, бино томонидан қуёш нурини оптимал қабул қилиш шартларини ҳисобга олиш керак;

- ускуналарнинг энергия қабул қилиш қисмлари самарали қилиб йўналтириш лозим;

- турар жой биноларини қуриш ёки қайта қуришда уларда кейинчалик альтернатив энергия билан таъминлашни қўллаш мақсадида энергия жиҳатдан самарали бино яратишга ҳаракат қилиш зарур, бу бинодаги иссиқлик йўқотилиши хажмий-тархий ечим ва кучайтирилган иссиқлиқдан ҳимоя воситасида камайтириш мумкин. Тураг жой муҳитини яратишга экологик томондан ёндашув зарур;

- ишлаб-чиқаришни ривожлантириш; альтернатив системалари конструкциясини соддалаштириш альтернатив системалардан олинадиган қувват таннархини пасайтириш имконини беради (2-жадвал).

2- жадвал

Энергия-ташувчи	Ишлатиш омили	Энергия ишлаб-чиқариш истиқболлари	Экологик таъсир
Атом энергияси	Реактор-кўпайтиргичлардан (брудерлар) фойдаланиш	Чекланмаган	Номаълум хавф элементлари бор
Сув ресурслари	Қувурлардан фойдаланиш	ГЭС учун яроқли сув ресурсларининг чекланган миқдори	Худуд эко балансини бузилиши
Газ	Қазиб олинган жойдан то истеъмолчига етиб борувчи қувурларни кенг тармоқлардан фойдаланиш	Қайта ҳосил бўлмайди	Худуд эко балансини бузилиши
Кўмир	Фойдали қазилма конларини топиш	Қайта ҳосил бўлмайдиган ресурслар	Кон эко балансини бузилиши
Нефть	Киме саноати	Қайта ҳосил бўлмайдиган ресурслар	Ишлаб-чиқариш ва ташиш жой эко баланси бузилиши
Қуёш	Ер иссиқлик тартиби қуёш нури $1,5 \times 1024$ Дж иилига ҳисобга олиб, балансланган	Ресурсларни янгидан ҳосил бўлиши	Йўқ
Шамол	Ерга яқин қатламдаги кинетик ва шамол шамол энергияси,	Ресурсларни янгидан ҳосил бўлиши	Унча муҳим бўлмаган орнитосфераса

	тезлиги 4 м/с	лбий таъсир
--	---------------	-------------

## Қуёш энергиясидан фойдаланиш

Тури	Нурланиш қабул қилиниши
Қуёш нуридан пассив фойдаланиш	
- қуёш нурини түғридан-түғри қабул қилиш	Деразалар ёки жанубий деворга ёпишган қишки боғ орқали (оранжерею, иссиқхона)
- қуёш нурини билвосита қабул қилиш	Жанубий фасад ойнаси орқасига жойлашган иссиқлик сақловчи девор
Қуёш нуридан фаол фойдаланиш	
- қуёш нурланишини вертикал қабул қилиш	Курилган коллектор ёки деворга ёпишган иссиқхона (қишки боғ, оранжерея) орқали
- қуёш нурланишининг бурчакли қабул қилиш	Ҳаво иссиқлик ташувчи автаном коллекторлар
- ҳаво циркуляцияси зўраки контури ва иссиқлик гал аккумуляторлари билан	Ҳаво иссиқлик ташувчи коллекторлар
- Фитоэлектрик қурилмалар ёлланма фойдаланганда	
- қуёш нурланишини бурчакли ва вертикал қабул қилиш	Фотогальваник модулларини томга, деворга, том-деворга жойлаштириш
- қурилмаларни автаном ўрнатиш	Натурал жой қўшни бинова иншоатлардан фойдаланиш, модуллар учун маҳсус синчлар ўрнатиш

Ҳисобларга кўра, энергияни шу кундаги эҳтиёж даражаси бўйича ҳам энергия манбалари конлардаги ёқилғи узоги билан яна 100-150 йилга етади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, қуёш нурланиши ёки тарқалиш заҳираси ернинг ҳоҳлаган нуқтасида ишлатилиши мумкин. Ерга етиб келадиган нурланиш қуввати йилига  $2 \text{ МВт}\cdot\text{ч}/\text{м}^2$  ни ташкил қиласди, шунинг учун қуёш энергияси учун ката ер майдони талаб этилмайди –  $80-90 \text{ км}^2$  майдонли юза билан ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган энергия миқдори ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек қуёш нури универсал ҳамдир – ундан иссиқлик кўринишида ҳам фойдаланиш мумкин, катта ишлаб механик ва электрик энергия ҳам олиш мумкин.

Қуёш энергияси камчилиги – худди ҳамма альтернатив энергетикага хос – унинг доимий мослигидир. Масалан қуёш нурланиши фаоллиги график кенглилка қараб  $2,2 \text{ МВт}\cdot\text{ч}/\text{м}^2$  йилига ўзгаради, суткалик тебранишлар яна ҳам кўп. Бошқа камчилик ва оқибатлар куйида келтирилган ва уларни ҳисобга олиш шарт.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 3800 қозонли 1136 иссиқлик станциялари фаолият кўрсатади, минглаб километр коммуникация қувурлари ўтказилганки, улардан атмосферага заарли моддалар, ёниш маҳсулотлари ажралиб чиқади ва янгидан янги маблағлар сарфлаш талаб этилади.

Ўзбекистон – йилига 300 дан ортиқ қуёшли кундан иборат республика. Қуёш энергиясининг умумий қуввати 95 млрд. тонна шартли ёнилги сифатида баҳоланади, унинг 1% ини 10% гелиоқурилмалар воситасида сарфлаш бутун Ўзбекистондаги энергияларни истеъмол қилиши билан солиштирса бўлади.

Ўзбекистон ҳудудида БМТ Ривожланиш Дастури лойиҳалари доирасида ўтказилган фотоэлектрик станциялар ва сув иситиш учун мўлжалланган гелиоқурилмалар синовини бундай қурилмалардан чекка аҳоли пунктларидан фойдаланиш эҳтимоли ва мақсадга мувофиқлиги ўз тасдигини топди.

Хорижда ишлаб чиқарилган иккита фотоэлектрик станциялар Қорақалпоғистоннинг Қораузоқ ва Тахтакўпир туманларига ва Тошкент ОАЖ “Фотон”да ишлаб чиқарилган 45та қурилма Коструба поселкасига ўрнатилди ва бунинг натижасида маҳаллий аҳоли турмуш тарзи яхшиланди, ҳамда ичимлик суви учун сарф бўладиган меҳнат анча енгиллаштирилди. Энди аҳоли ускуналаридан фойдалани, қуёш нурини электр энергиясига айлантиришлари, телевизор қўришлари, радиоприёмник эшитишлари ва ичимлик сувини насослар орқали 20 м чукурликдан чиқаришлари имкониятига эга бўлади.


Хозирча республикамизда қуёш энергиясидан фойдаланиш коэффиценти анча кичик, 0.3%ни ташкил қиласи, қачонки мамлакатимизнинг географик жойлашуви ва иқлимий шарт-шароитлари бу кўрсаткични анча ошириш имконини беради, ҳамда газ, мазут, кўмир ва бошқа энергия ташувчилар кўп миқдорда тежалади.

Фотоэлектрик станциялар ва абсорберларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлиб Тошкент ишлаб чиқариш ОАЖ “Фотон” ҳисобланади, бу бирлашма моддий – техника базаси ва ходимлар малакаси даражаси ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этиш имконини беради. Умумий баҳоси 350минг АҚШ доллари бўлган бу лойиҳа 2003 йилнинг августидан бошланган ва ниҳоясига етиш арафасида.

Сув иситиш ва иссиқлик билан таъминлаш ускуналари техник жиҳатдан нисбатан мураккаброқ бўлиб ҳисобланади. Лекин уларни харид қилиш учун кетадиган маблағ тез ва тўлиқ қопланади. Юқорида айтилганларга қўшимча улардан фойдалангандага углеводородлар ёқилмайди ва улар экологик тоза ҳисобланади.

Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри “Водник” мавзесида TACIS кўргазмали лойиҳа доирасида ўрнатилган гелиостанция ҳар йили сув

иситишига сарф бўладиган “ҳаво ранг ёнилғи”ни 30% га тежаш имконини беради (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. «Водник» мавзесидаги куёш-ёкилги козонхонасининг схемаси

Гелиокурилмаларни шахсий фойдаланишига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини Тошкент шаҳрида Чехова қўчасида TACIS кўргазмали лойиха доирасида қурилган кўп хонадонли турар жой уй мисолида кўриш мумкин (1.1.3-расм). Ушбу бинонинг томида иссиқлик таъминоти тизимининг куёш коллекторлари ўрнатилган (3.1.4-расм).




1.1.3-расм. TACIS лойиҳаси бўйича мониторинг ўтказилган Чехов кучасидаги намойиш биносининг умумий қўриниши



3.1.4-расм. TACIS лойиҳаси бўйича мониторинг ўтказилган Чехов кучасидаги намойиш биносининг томида жойлашган қуёш коллекторлари

Бинода ўрнатилган маҳаллий қозонхонадан унумли фойдаланиш мақсадида қозонхона ва қуёш коллекторларини биргаликда ишлашининг принципиал схемаси ишлаб чиқилган (3.1.5-расм).



3.1.5-расм. Маҳаллий қозонхона ва қуёш коллекторларини биргаликда ишилашининг принципиал схемаси

Яқин вактда гелиокурилмалар ижтимоий-маиший обьектларда, маъмурий биноларда, кейинчалик эса қозонхоналарда ҳам синовлардан ўтказилади.

Дунё миқёсида ҳозирги вактда энергетика соҳасида қуёш энергиясида фойдаланиш асосан электр ва иссиқлик энергияларини олиш учун ривожланиб бормоқда.


Қуёш энергиясидан фойдаланиб электр энергиясини олиш иккита принципиал хар ҳил йўл билан амалга оширилиши мумкин: анъанавий термодинамик усул орқали ва фотоэлектрик айлантириш ёрдамида.

Термодинамик усулда қуёш энергиясидан қуёшли электр станцияларида анъанавий термодинамик цикллар орқали электр энергияси олинади. Бунда қуёш энергияси факат органик ёқилғи ўрнига ишлатилиб, қозонларида юқори босимли сув бўғини олиш учун ҳизмат қиласи. Қолган термодинамик жараёнлар анъанавий усулда бўғ турбинаси, конденсатор ва электр генератори ёрдамида амалга оширилади.


Ўз навбатида, қуёш энергиясидан фойдаланиб юқори босимли сув бўғини олиш ҳам иккита принципиал хар ҳил йўл билан амалга оширилиши мумкин: параболасимон гелиоконцентратор ёрдамида (3.1.6 ва 3.1.7 - расмлар) ҳамда бир марказда жойлашган минорага қаратилган гелиостатлар ёрдамида (3.1.8-1.1.10- расмлар).



3.1.6 -расм. Параболасимон гелиоконцентраторларнинг кўриниши.



3.1.7-расм. Параболасимон гелиоконцентраторлар билан жиҳозланган куёшли электр станциянинг гелиомайдоннинг кўриниши.



3.1.8-расм. Минорали күёшли электр станциясининг принципиал схемаси

Параболасимон гелиоконцентраторли қүёш электр станцияларда иссиқлик ташувчиси қувурлар тизимида бевосита циркуляция жараёни вақтида гелиоконцентраторлар ёрдамида қиздирилади. Бунда қүёш нурлари ёрдамида қиздириладиган юза нисбатан катта бўлиб гелио нур қабул қилгич қувурлар металлнинг температура зўриқишилари юқори бўлмайди. Бу эса параболасимон гелиоконцентраторлар ўқида жойлаштирилган гелио нур қабул қилгич қувурлар конструкцияси ва металлнинг сифатига махсус талабларни кўймайди.

Минорали тизимда майдонга терилган юзлаб ўз ўки атрофида айлана оладиган гелиостатлар ва минора учига жойлаштирилган гелио нур қабул қилгичдан ташкил топган бўлади. Гелиостатлар қүёш нурини гелио нур қабул қилгичда фокуслантириб йигиб беради, нур қабул қилгич қүёш нурини қабул қилиб температурасини оширадида юқори босимли сув буғи ёрдамида турбогенераторни ишга туширади. Бунда қүёш нурлари ёрдамида қиздириладиган юза нисбатан кичик бўлиб гелио нур қабул қилгич металлнинг температура зўриқишилари анча юқори бўлади. Бу эса минора учига жойлаштирилган гелио нур қабул қилгич конструкцияси ва металлнинг сифатига махсус ўта юқори талабларни кўяди.

Дунё бўйича 70дан ортиқ мамлакатларда гелиоэнергетик дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Германияда “Мингта том” лойиҳаси

ишга туширилган, у ерда 2250та уй фотогальваник ускуналар билан жиҳозланган.



3.1.9-расм. Минорали куёшли электр станциясининг умумий кўриниши



1.1.10-расм. Минорага қаратилган гелиостатларнинг умумий қўриниши

АҚШда 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган “Миллион қуёшли томлар” дастури қабул қилинган.


Ҳозирги кунда миллионлаб қуёшли сув иситкичлар ишлатилмоқда. “Қуёшли уйлар” кенг тарқалмоқда. Системаларни созлашни бошқариш усуллари ишлаб чиқарилган.




1.1.11-расм. “Мингта том” лойиҳаси бўйича фотогальваник ускуналар билан жиҳозланган уйнинг ташқи кўриниши.

Бутун жаҳонда янги ҳосил қилувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самаралилиги таҳлил килинмоқда. Куёш ва шамол қувватидан умумий энергетика сифатида фойдаланишда дунё бўйича етакчи мамлакатлар: АКШ-17%, Франция-15%, Дания-12%, Хитой-14%, Хиндистон-22%, Лотин Америкаси-35% гача, Австрия-25%, Германия, Истроил, Россия 2020 йилга келиб 10% ни ташкил этади.

Ўзбекистонда 1997 йилда “энергиядан рационал фойдаланиш тўғисидаги қонун “ қабул қилинди. Бу қонунда альтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасидаги муносабатлар, ҳамда имтиёзлар белгилаб берилган.



**1.1.12-расм.** Европа итифоқи (ЕИ) ва бошқа дунё мамлакатларида қуёшли фотоэлектрик соҳасини ривожланиш тенденцияси



**1.1.13-расм.** Қуёшли иссиқлик таъминотини тизимларида ўрнатилган қуёш коллекторларини Европада ривожланиш тенденцияси.

“Кичик “ энергетикани амалда ривожлантириш мақсадида 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси “ Физика-Қуёш“, “Максус ускуна”, ОАЖ “ Технолог” биргаликда маҳаллий ишланмаларига асосланган иссиқ сув билан таъминлашга мўлжалланган

қуёш қурилмаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш, ишлатиш бўйича маҳсус корхона – ОАЖ “Курилишгелиосервис” ташкил қилинди.

“Курилишгелиосервис” ОАЖ обьектни текшириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш, ускуналарни тайёрлаш ва жамлаш, йифиш ва созлаш, техник назорат ҳамда система фойдаланишга топширилгандан кейин ходимларни бир йил давомида ўқитиш вазифаларни бажаради “Узтранс” акционерлик компанияси буюртмаси бўйича Самарқанд вилоятининг Оқариқ посёлкасида гелиомайдон яратиш бўйича лойиҳа ҳозирги кунда амалга оширилмоқда.

Бу акционерлик компанияси томонидан нажотли дастур асосида узоқ муддатли ҳамкорлик доирасидан 1000 литрдан 3000 литргача иссиқ сув ишлаб чиқаришга мўлжалланган 8 та қуёш қурилмаси ўрнатилган. Газли гелиосистемалар билан мактаб, касалхона, поликлиника ва болалар боғчаси жиҳозланиши режалаштирилган. Худди шундай узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик режаси Давлат акционерлик темир йўллар компанияси билан амалга оширилмоқда. Унинг доирасида олтита лойиҳа ишлаб чиқилди. Яқинда Бузубой поселкасидаги мактабда ускуна фойдаланишга топширилди.

“Курилишгелиосервис” корхонаси “сендвич” материалидан ишланган деворли тўсиқларга ўрнатилган автоном гелиосистемали мобилювиш блок ва душхоналар вариантларини ишлаб чиқди ва синов тариқасида улар ишлаб чиқарган нусхалар ўрнатилди.

Ўзбекистон худудида қуёш системаларини қўллаш истиқболлари порлоқ. Аҳолини фақатгина иссиқ сув билан таъминлаш учун 3 млн.кв.м коллекторлар зарур. Қишлоқ врачлик пунктларига 2000дан ортиқ автоном системалар керак.

“Курилишгелиосервис” ОАЖ мутахасислари томонидан ишлаб чиқилган гелиосистемалар конструкциялари янги ихтиро деб тан олинган, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Шахсий ишланмалар асосида ишлаб чиқарилган гелиотехника обрўли халқаро ташкилотлар ва мутахасислар томонидан тан олинган ва бу ихтиро европа мамлакатлари системалари билан солиширилишига ҳақли.

Альтернатив энерготаъминот қурилиш усулларидан фойдаланиб бинони лойиҳалаш ёки қайта қуриш асосий қоидалари:

- ҳудуд иқлими ва қурилиш олиб бориладиган муайян жой метеошароити, гелеомайдони қуёш нури билан ёритилганлиги, шамол энергияси қурилмалари минтақасидаги шамол оқимлари ҳаракатини ҳисобга олиш зарур;
- энергия таъминоти шароитлари, бинони қуёш нурларини қабул қилишининг оптимал вариантларини албатта ҳисобга олиш керак;

- кейинчалик альтернатив энергия билан таъминлашдан фойдаланиладиган турар жой биноларини қуриш ва қайта қурилишда энергетик жиҳатдан самарали бино барпо этишга харакат қилиш керак, кучли иссиқлик ҳимояси ва оптимал хажмий-тархий ечим ҳисобига бинонинг иссиқлик йўқотиши энг кичик миқдорга келтирилиши зарур;

- турар жой муҳитини яратишда экологик ёндашув кўзда тутилиши зарур.

-қуёш энергия таъминоти ва шамол энергияси ускуналаридан фойдаланилган пассив ва фаол системаларини ўрнатишни, Ўзбекистон турар жой фонди оммавий қайта қуриш билан уйғунликда олиб бориши мақсадга мувофиқдир;

- қуёш ва шамол ускуналаридан интегралланган фойдаланиш тавсия қилинади, электр тармоғига электрни генерацияловчи, яъни ортиқча энергияни ташлаб ва этишмаганини йифиб оладиган қурилмани ўйлаш лозим;

- серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак;

- альтернатив система конструкцияларини соддалаштириш орқали альтернатив системалардан олинган энергия таннархини пасайтириш эришиш лозим;

- турли иқлим шароитларида ишлайдиган қуёш системаларини лойиҳалашда гелиоқабулқилувчиларни бинонинг турли конструкцияларида жойлаштиришни ҳисобга олиш;

- маҳсус чоралар қўрилмаганда гелиоманбаларнинг қуёш нурланишига учраган юзаси ҳаво ҳарорати билан бир хил бўлиб қолади, шунинг учун ҳароратни ошириш учун яssi коллекторлар, селектив қопламали коллекторлар, қуёш энергияси концентраторлари, аккумулятор батареялари ва бошқалар талаб қилинади;

- бугунги кунда бинолар мураккаб холистатик системалар бўлиб ҳисобланади, янги қуёш технологиясининг эстетик интеграцияси, лойиҳалашда марказий фоя бўлиши керак.

Буларнинг барчаси иссиқлик электр билан таъминлаш системасини, стандартларни, қоидалар ва бошқа янги мутахасислар тайёрлашни қайта кўриб чиқиш, пассив (фаол) қуёш иситиш системаларини янгилаш, Ўзбекистонга хос меъморий миллий услубларни сақлаган ҳолда бинога осон ўрнатиладиган янги системаларни ишлаб чиқаришни талаб этади. Қуёш энергетикаси идеали- бу иситиш системали уй эмас, балки ҳозирги иситиш системаси умуман керак бўлмаган уй.

### **1.3. Иссиқлик аккумуляторлари. Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларини ҳисоби. Қуёшли совитиш қурилмалари.**

Ноанъанавий ва янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг экологик муаммоларини кўриб чиқайлик. Мавжуд экологик муаммолар мажмуасида энергетика етакчи ўринларидан бирида туради. Янги

ҳосил бўлувчи энергия манбаларини амалий қўлланишга жалб қилиниши уларни атроф-муҳит экалогиясига таъсирини ўрганишга эътибор қаратишга мажбур қилмоқда.

Шундай фикрлар мавжудки, янги ҳосил бўлувчи энергия манбаи ҳисобига электр энергияси мутлақо экологик “тоза” вариант. Бу жуда тўғри фикр эмас, чунки анъанавий органик минерал ва гидравлик ёнилғи асосидаги энергокурилмалар айрим ҳолларда камроқ хавф тугдиради. Шунингдек, янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларининг атроф-муҳитга экологик таъсири ҳозиргача аниқ эмас, айниқса вақт жиҳатидан, шунинг учун бу таъсир манбаларидан фойдаланиш, механик масалаларига қараганда камроқ ўрганилган. Гидроэнергетик ресурслар янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Узоқ вақт уни экологик “тоза” энергия манбаи деб ҳам аташган. Бундай фойдаланишнинг экологик оқибатларини ҳисобга олмай, табиатни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш чоратадбирлари кўрилмаган, бу 90-йилларга келиб гидроэнергетикани чуқур кризисга олиб келди. Шуни ҳисобга олиб, янги ҳосил бўлган энергия манбаларидан фойдаланишнинг экологик оқибатлари олдиндан тадқиқ қилиниши зарур.

Ноанъанавий янги ҳосил бўлувчи манбалар энергиясини яроқли шаклга электр ёки иссиқлик ҳолига келтириш замонавий билим ва технологиялар даражасида нисбатан қимматга тушади.

Ҳамма ҳолларда ҳам улардан фойдаланиш органик ёқилғи сарфини пасайишига ва атроф-муҳитни нисбатан камроқ ифлосланишга хизмат қилади. Шу кунгача янги ҳосил бўлувчи манбалардан олинадиган анъанавий усулларни техник-иктисодий солиштириш натижасида экологик омиллар ҳисобга олинмаган ёки фақат айтиб ўтилган, микдор жиҳатидан ҳам баҳоланмаган. Шундай қилиб, янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларидан фойдаланиш оқибатида юзага келувчи экологик муаммоларнинг ечими долзарб бўлиб бормоқда. Энергияни бир турдан бошқасига ўтишида янги усуллар ўйлаб топиш анъанавий ускуналардан фойдаланилганга нисбатан атроф-муҳитга камроқ заар етказиш имконини бериши зарур.

Ноанъанавий янги ҳосил бўлувчи энергия манбаларини турли табиий муҳит ва объектларга экологик таъсирининг асосий омилларини кўриб чиқамиз.

Қуёшли электр станциялари етарлича ўрганилмаган объектлар бўлиб, уларни экологик тоза электростанциялар қаторига қўшиш учун тўлиқ асос йўқ.

Қуёшли электр станциялари қўп майдонни эгаллайди. ҚЭСларининг солиштирма майдон эгаллаши 0.001дан 0.006 га/кВт гача ўзгаради. Бу майдон ГЭСга нисбатан кичик, лекин иссиқлик электр станциялари атом электр станциялари эгаллайдиган майдонлардан катта. Қуёшли электр

станциялари таркибига жуда күп миқдорда металл, шиша, бетон ва х.к. сарфланади, юкорида келтирилган маълумотларда хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлаш босқичидаги ерни қазиб олинниши ҳисобга олинмаган. Қуёшли электр станциялари яратилган тақдирда, унинг майдон эгаллаши ошади ва ер ости сувларини ифлосланиш даражаси ҳам ошади.

Қуёш концентраторларини ер майдонларига сояси катта тушади, бу эса тупроқ, ўсимлик дунёсини ўзгариб кетишига олиб келади. Станция жойлашган худудда куёш нурланиши содир бўладиган вақтда ҳаво исиб кетади. Бу эса ўз вақтида иссиқлик, намлик баланси, шамол йўналиши ўзгаришига олиб келади; айrim ҳолларда системани қизиб кетиши ва ёниб кетиши эҳтимоли бор ва унинг оқибатлари ёмон бўлиши мумкин. Қуёш энергетик системаларда паст қайнайдиган суюқликларини узоқ муддат ишлатилишида, бу суюқликлар оқиб чиқиб кетишидан ичимлик сувлари ифлосланиш эҳтимоли бор. Айниқса таркибида юкори оксид модда бор бўлиб ҳисобланган нитрит ва хроматлар бўлган суюқликлар хавфлидир. Қуёш техникаси атроф-муҳитга билвосита таъсир кўрсатади. Уни ривожлантириш учун мўлжалланган худудларда бетон, шиша ва пўлат ишлаб чиқариш йирик мажмуаларини қуриш зарур бўлади.

Қуёш энергиясидан фойдаланиб электр энергиясини олишнинг иккинчи принципиал йўли бу бевосита фотоэлектрик айлантириш ёрдамида.

Бунда кремнийли, кадмийли ва арсенидагелли фотоэлектрик элементлардан фойдаланилади. тайёрлаш вақтида ишлаб чиқариш хоналарида инсонлар саломатлиги учун заарли кадмийли ва арсенидли чанг бирикмалар ҳосил бўлади.

Космик куёш электр станциялари нурланиш ҳисобига иқлимга ўз таъсирини ўтказади, телеалоқа ва радиоалоқалар учун носозликлар, унинг таъсирига тушиб қолган ҳимоясиз тирик организмларга зарар етказади. Шу муносабат билан ерга энергия узатиш учун экологик тоза тўлқинлар диапазонидан фойдаланиш зарур.

Қуёш энергиясининг атроф-муҳитга нохуш таъсири қуидагиларда ўз аксини топиши мумкин:

- ер майдонлари деградацияси;
- катта материал сифимида;
- таркибида хлорат ванитрити бўлган ишчи суюқликларнинг оқиб чиқиб кетишида;
- системаларни қизиб ва ёниб кетиш хавфи, қуёш системаларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилганда токсик моддалар билан маҳсулотларни заарланишида;
- станция жойлашган худуд иссиқлик баланси, намлик, шамол йўналиши ўзгаришида;
- катта худудлардаги ёруғлик қуёш концентраторлари таъсиридан тўсилиб қолади натижада ер унумдорлиги йўқолади;
- космик ҚЭСларини иқлимга таъсирида;
- телевизион ва радиоалоқалардаги носозликларда;

- ерга энергияни микротүлқин нурланиши воситасида юборилиши тирик организмлар ва инсоният учун заарлигида;

Экологик ҳолат архитектор ва қурувчилардан янги фикрлашни талаб қиласи. Анъанага айланаштган замонавий энергетика, энергия ташувчилар туридан қатъий назар атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатади. Бино ва шаҳарларни энергия билан таъминлаш соҳасида янги ҳосил бўлувчи ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ечимларни қабул қилиш лозим. Асосан қуёш энергиясидан фойдаланилган. Нашр этилган маълумотлар, хусусан Internet маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, бутун жаҳонда энергияга бўлган эҳтиёж янги ҳосил бўлувчи қувват манбаларини 4-авлодидан фойдаланишга туртки бўлмоқда. Бундай усуллар биноларни энергия билан таъминлашни самарали воситалари – қуёш қурилмаларини жиҳозлаш ва ўрнатишни кам сарф-харажат қилиб амалга ошириш имконини беради.

Ишланмалар ичида иккита йўналишни белгилаш ва ҳисобга олиш лозим:

- майда автоном истеъмолчиларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган чегараланган қувват даражали қуёш энергоқурилмаларини ишлаб чиқариш ва қўллаш;
- шимолий ва чўл ҳудудларида чегараланган қувватга эга бўлган қуёшли энергетик станциялар яратиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Энергия манбаларининг қандай турларини биласиз?
2. Энергия ресурслар заҳиралари ва уларни истеъмол қилиш динамикасини гапириб беринг?
3. Анъанавий энергия манбаларига нималар киради?
4. Қайта тикланувчан энергия манбаларига нималар киради?
5. Қайта тикланмас энергия манбалари бу қандай манбалар?
6. Қайта тикланувчан энергия манбалари бу қандай манбалар?
7. Минорали қуёшли электр станциялар қандай ишлайди?
8. Параболасимон гелиоконцентраторли қуёшли электр станциялар қандай ишлайди?
9. Қуёш энергетикасидан фойдаланиш тендециялари?
10. Ўзбекистонда Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати қандай?
11. Энергетика ва экологиянинг ўзаро таъсир муаммоларини гапириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.

2. Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўкув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
3. Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиқлик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.
4. Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford Unevirsity. New York, 2005.
5. Anderson B. Solar energy: fundamentals in building design. 1977.
6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
11. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Аvezov Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. -Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010, 192 стр.
12. КМК 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти курилмалари”, Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.
13. Ўз РСТ 744-96. Қуёш коллекторлари. Умумий техник шартлари. Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 47 бет.

## **2-мавзу: Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.**


**Режа:**

- 2.1.** Геотермал сувларнинг иссиқлигидан фойдаланиш. Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг принципиал схемалари. Бир ва икки контурли ҳамда уйғунлашган тизимлар.
- 2.2.** Геотермал иссиқликнинг истеъмолчилари. Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг иқтисодий самарадорлиги.
- 2.3.** Гелиобиноларни энергосамарадорлигини ошириш йўллари

**Таянч иборалар:** қуёш энергияси, қуёш энергияси оқимининг қуввати, экологик муҳит, парник эффиқти, нурланиши оқимининг ўртача суткалик интенсивлиги, қуёш доимийси, нур сочилишининг давомийлиги, перпендикуляр сирт, горизонтал сирт, қуёш коллектори, қуёшли иссиқлик таъминоти тизими, амалиётга тадбиқ қилиши, қуёши коллекторларининг умумий юзаси, қуёшли иссиқ сув таъминоти тизими, табиий, мажбурий циркуляция, антифиз, фоидали иш коэффициенти.

## **2.1. Геотермал сувларнинг иссиқлигидан фойдаланиш. Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг принципиал схемалари. Бир ва икки контурли ҳамда уйғунлашган тизимлар.**

Сайёрамизда ҳаёт манбай бўлган қуёш - Сомон йўли юлдузлар туркумига кирувчи ўртача юлдузлардан бири бўлиб, олимларнинг ҳисоблашларига кўра унинг диаметри  $1,39$  млн. км, массаси  $2 \cdot 10^{30}$  кг ва ўртача зичлиги  $1,4 \cdot 10^3$  кг/м<sup>3</sup> дан иборатдир. Қуёш сферик шаклга эга бўлган ўта қизиган газсимон жисмидир (1.2.1-расм). Қуёш марказидан Ер марказигача бўлган масофа  $150$  млн. км бўлиб, йил давомида  $\pm 1,7\%$  га ўзгариб туради ва қуёш нурлари Ер сиртига  $8,3$  минутда етиб келади (1.2.2-расм). Қуёшнинг сиртидаги, яъни фотосферасидаги ҳарорат  $5762$  К. Турли ҳисоблашлар натижасига кўра қуёшнинг марказий қисмида ҳарорат  $8 \div 40 \cdot 10^6$  К ни, зичлиги эса  $80 \div 100$  т/м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Бундай физиковий шароитларда қуёшни узлуксиз ҳаракатдаги термоядро реактори деб тасаввур қилиш мумкин. Қуёшда рўй бераётган термоядро реакцияси жараёнида водороднинг битта дейтерий ( $^2H$ ) ва битта тритий ( $^3H$ ) изотоплари бирлашиши натижасида битта гелий ( $^4He$ ) ядроси ҳосил бўлади, яъни



ҳосил бўлган гелий ядросининг массаси битта дейтерий ва битта тритий водород изотопии массаси йифиндисидан кам бўлганлиги сабабли, реакциядан олдинги ва кейинги массалар фарқи -  $\Delta m$  Эйнштейн формуласига мувофиқ


$$E = \Delta m c^2$$

миқдордаги нурланиш энергиясига айланади ( $c=3 \cdot 10^8$  км/с – вакуумдаги ёруғлик тезлиги).


Олимларнинг ҳисоблаш натижаларига кўра мазкур типдаги термоядро реакциялари жараёнида қуёшнинг массаси секундига  $4,2$  млн. тоннага камаяди ва натижада қуёш ўзидан  $3,8 \cdot 10^{26}$  Вт нурли энергияни чиқаради. Унчалик мураккаб бўлмаган ҳисоблаш натижаларига кўра қуёш массасининг шунчалик тез суръатлар билан камайишига қарамасдан унинг нурланиш энергиясининг атиги  $0,1\%$  га камайиши  $15$  трлн. йилдан кейин рўй бериши мумкин.

Агар Ернинг ўртача радиуси  $6370$  км ҳамда қуёшдан Ергача бўлган ўртача масофа  $149,6$  млн. км эканлигини ҳисобга олсак унда юқорида қайд

қилингандык қувват ( $3,8 \cdot 10^{26}$  Вт) нинг 2,2 млрд. дан бир улуси Ерга етиб келади ва Ер атмосферасы чегарасыда қоюш нурларынан нисбатан тик жойлаширилген сирт сатхыда юзарый зичлиги  $1353 \text{ Вт}/\text{м}^2$  га тенг бўлган нурли энергия оқимини ҳосил қиласди<sup>3</sup>.



1.2.1-расм. Қуёшнинг тузулиши



<sup>3</sup> Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.

## **1.2.2-расм. Ер ва Қуёшнинг ўзаро жойлашиши**

Ер атмосферасидан ташқарида жойлашган сиртга перпендикуляр йўналишда тушаётган қуёш радиациясининг интенсивлиги қуёш доимийси дейилади. **Қуёш доимийси**  $1353 \text{ Вт}/\text{м}^2$  тенг. Ер ва Қуёш орасидаги масофа йил давомида ўзгариши натижасида ер атмосферасидан ташқарида жойлашган сиртга перпендикуляр йўналишда тушаётган қуёш радиациясининг интенсивлиги йил давомида  $\pm 3\%$  га ўзгаради (2.3-расм).


Қуёш радиацияси тўғри ва тарқоқ (диффузияли) радиацияга ажратилади.

Қуёшдан берилган сиртга ўз йўналишини ўзгартирмасдан туриб тушадиган радиацияга **тўғри қуёш радиацияси** дейилади.

Қуёшдан берилган сиртга атмосферада тарқалиши ва қайтарилиши натижасида ўз йўналишини ўзгартириб тушадиган радиацияга **тарқоқ (диффузияли) қуёш радиацияси** дейилади.

**Қуёш радиацияси** деярли тугамас ва **экологик** тоза энергия манбаидир. **Қуёш энергияси оқимининг куввати** атмосферанинг юқори чегарасида  $1,7 \times 10^{14}$  кВт бўлса, ер юзининг сатҳида- $1,2 \times 10^{14}$  кВт га тенг. Йил давомида ерга тушаётган **қуёш энергиясининг умумий миқдори**  $1,05 \times 10^{18}$  кВт/соатга тенгдир, шу жумладан ернинг қуруқлик юзасига  $2 \times 10^{17}$  кВт/соат түғри келади.

**Экологик мухитга** зарап етказмасдан туриб, умумий тушаётган **қуёш энергиясининг** 1,5 % гачан фойдаланиш мумкин. Бу жуда катта энергия миқдоридир. Агар бу миқдордан купроқ қуёш энергиясидан фойдаланилса, унда **парник эфекти** натижасида ернинг иқлими ўзгариш ва **экологик мухит бўзилиши** мумкин.



**1.2.3-расм.** Йил давомида Ер атмосферасидан ташқарида жойлашган сиртга перпендикуляр йўналишда тушаётган қуёш радиацияси интенсивлигининг ўзгариши

**Қуёш нурланиши оқимининг ўртача суткалик интенсивлиги** тропик зоналари ва чулларда  $210\text{-}250 \text{ Вт}/\text{м}^2$  [ $18\text{-}21,2 \text{ МЖ}/(\text{м}^2\cdot\text{сут})$ ], Ўзбекистонда  $186\text{-}214 \text{ Вт}/\text{м}^2$  [ $16,1 \div 28,47 \text{ МЖ}/(\text{м}^2\cdot\text{сут})$ ], максимал микдори эса (ер юзининг сатҳида)-  $1000 \text{ Вт}/\text{м}^2$ , **қуёш доимииси**  $1353 \text{ Вт}/\text{м}^2$  тенг (атмосферанинг юқори чегарасида қуёш нурларига перпендикуляр сиртда). Марказий осиё республикаларида йил давомида қуёш нур сичисининг давомийлиги  $2700\text{-}3035$  соатга тенг. Йил давомида  $1 \text{ м}^2$  горизонтал сиртга Ашхабатда-  $1720 \text{kВт}\cdot\text{соат}$ , Тошкентда-  $1684 \text{ кВт}\cdot\text{соат}$ , Нукусда- $1632 \text{ кВт}\cdot\text{соат}$ , Термез-  $1872 \text{ кВт}\cdot\text{соат}$  энергия тушади. **Қуёшли иссиқлик таъминоти қурилмалари** ёрдамида бу энергиянинг  $10\div50\%$  микдоригача фойдаланиш мумкин.

## 2.2. Геотермал иссиқликнинг истеъмолчилари. Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг иқтисодий самарадорлиги.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда **қуёшли иссиқлик таъминоти тизимлари** (ҚИТТ) бўйича бой тажриба ва етарли илмий-техник ишламалар мавжуд: биринчи авлод гелио жихозларнинг конструкциялари ва намуналари ишлаб чиқилган, хар хил турдаги истеъмолчилар учун ҚИТТ ларнинг экспериментал ва намунавий лойиҳалари, ҚИТТ ларни лойиҳалаш меъёрлари (ҚМК) ишлаб чиқилган, юзлаб қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари курилиб, улардан унумли фойдаланилмоқда.

Жумладан Республикамиз вилоятларида қуёш энергиясидан фойдаланишнинг реал имкониятлари мавжуддир, чунки бу ерларда қуёшли кунлар сони йилига 280 – 300 куни ташкил этади. Ер юзининг  $1\text{ m}^2$  тушадиган қуёш энергияси йилига ўртacha 546107 Ж ни ташкил этади, бу эса 300 килограмм тошкўмир ёқилганда ажрайдиган энергия миқдорига tengдир, бир гектар юзага тушадиган қуёш энергияси эса 2 тонна тошкўмирга эквивалентдир.

Қуёш энергиясини иссиқлик, электр ва турли хил энергия турларига айлантириб халк хужалиги ва саноатда ишлатиш учун узатиб бериш билан шугулланадиган соҳани гелиоэнергетика дейилади.

Дунёда биринчи гелиоэлектр станцияси 1912 йили Мисрда қурилган бўлиб унинг қуввати 45 кВт ни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 й. 1 марта чиққан ПФ-4512 Фармони Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишга эътиборни янада кучайтирди ва ўта долзарб масалага айлантириди.

Ушбу фармонда Самарканд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станциясини қуриш кўзда тутилган.

2013 й.да фотоэлектрик панелларнинг биринчи босқичининг қуввати 50 МВт тенг.


Иситиш тизимларда анъанавий иссиқлик манбалари (қўмири, газ ва суюқ ёқилғиларда ишлайдиган иссиқлик чиқариш ускуналари) билан бир қаторда, анъанавий бўлмаган манбалардан, масалан қуёш ва геотермал сувлар энергиясидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида иситиш учун айникса қуёш энергиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки республикамиз гелио ресурсларга жуда ҳам бойдир.

Қуёшли иситиш тизимлари деб, иссиқлик манбаси сифатида қуёш энергиясидан фойдаланиладиган тизимларга айтилади. Биноларни иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласига катта эътибор берилади. Қуёшли иситиш тизимлари бошқа паст ҳароратли иситиш тизимларидан, қуёш энергиясини қабул қилиш ва уни иссиқлик энергиясига айлантириш учун хизмат қиладиган, маҳсус элементи-қуёш коллектори мавжудлиги билан фарқланади.

Қуёш радиациясидан фойдаланиш усулига кўра паст ҳароратли қуёшли иситиш тизимлари пассив ва актив турларга бўлинади.

Пассив қуёшли иситиш тизимларда, қуёш радиациясини қабул қиладиган ва иссиқликка айлантирадиган элемент сифатида бинонинг ўзи ёки унинг алоҳида қисмлари (деворлар, том ва шунга ўхшаш) хизмат қилади (3.2.4-расм).



**3.2.4-расм.** «Девор-коллектор» турдаги паст ҳароратли қүёшли иситиш тизими

1-қүёш нурлари; 2-нурга шаффоф түсиқ; 3-хаво қатлами; 4-хонага узатиладиган қиздирилган хаво; 5-хонада совуган хаво; 6-девор массиви ўзининг узун тўлқинли нурланиши; 7-деворнинг қора нур қабул қилувчи сирти; 8-ростланувчан тўсқичлар.

«Бино-коллектор» турдаги пассив қүёшли иситиш тизимда, қүёш радиацияси ёруғлик оралиғлари орқали хоналарга кириб иссиқлик тутқичга тушгандай бўлади. Қисқа тўлқинли қүёш нурлари дераза ойналаридан эркин ўтиб (ўтқазиш коэффициенти  $0,85 \div 1,0$  га тенг), ички тўсиқлар ва мебелларга тушиб, иссиқликка айланади. Сиртларнинг ҳарорати ошади, иссиқлик ҳавога ва хонанинг ёруғлик тушган сиртларига конвекция ва нурланиш орқали берилади. Бунда сиртлар нурланиши узун тўлқинли соҳада содир бўлади ва нурлар дераза ойналаридан ёмон ўтиб (ўтқазиш коэффициенти  $0,1 \div 0,15$  га тенг), хонанинг ичига қайтарилади.


Шундай қилиб, хонага кирган қүёш радиацияси унда деярли бутунлай иссиқликка айланади ва хонанинг иссиқлик йўқолишиларни тўлиқ ёки қисман қоплаш мумкин.

Ички массив тўсиқлар иссиқлик бир қисмини аккумуляциялаши қүёш радиацияси тўхтагандан сўнг уни аста-секин 6-8 соат давомида хонага бериши мумкин.

Пассив усулда бироларни иситиш учун асосан архитектура-конструктив ечимларидан кенг фойдаланилади.



Пассив усулда бинонинг ориентацияси, дераза ойналарининг ва хоналарнинг жойлашиши, ўлчамлари ва бошқа архитектура-конструктив ечимлари хоналарга қүёш энергиясини бевосита киришига ҳамда қиши мавсумида уни иситишига катта рол ўйнайди. Бунда ёз даврида қүёш



энергиясидан хоналарни ўта қизиб кетишидан олдини олиш керак (3.2.5-расм).




### **3.2.5-расм.** Пассив усулда бироларни иситиш

Пассив усулда иситиладиган бинолар одатда гелиоуйлар деб номланади. Гелиоуийларда бинонинг конструктив ечимлари алоҳида аҳамиятга эгадир (3.2.6-расм).






Пассив иситиш тизимларида насослар ва автоматик бошқарув элементлари ишлатилмайди. Кўпчилик ҳолатларда пассив иситиш тизимлари бинонинг ташқи деворини (3.2.7-расм) қуёш нурлари ёрдамида иситиш ёки қуёш нурларининг тўғридан-тўғри катта ўлчамли деразалар орқали бинонинг ичига киришига (3.2.8-расм) асосланган.



**3.2.7-расм.** Бинонинг ташқи деворини иситишга асосланган пассив қуёш иситиш тизими схемаси: 1- тушаётган қуёш нурлари; 2- икки қаватли шаффофф қоплама; 3- ташқи сирти қорайтирилган жанубий девор; 4- иситилаётган бино.




**3.2.8-расм.** Қуёш нурларининг тўғридан-тўғри катта ўлчамли деразалар орқали бинонинг ичига киришига асосланган пассив қуёш иситиш тизимининг схемаси: 1- тушаётган қуёш нурлари; 2- икки қаватли шаффофф қоплама; 3- бино ичига кираётган қуёш нурланиши; 4- иситилаётган бино.


Актив паст ҳароратли қуёшли иситиш тизимлари деб қуёш коллекторлари алоҳида мустақил бинога тегишли бўлмаган қурилмалар кўринишига кирган тизимларга айтилади.

Ҳозирги кунда актив қуёшли иситиш тизимларида икки турдаги қуёш коллекторларидан фойдаланилади: концентрациялайдиган ва ясси (3.2.9-

расм). Бундай қүёш коллекторлари билан ишлайдиган қүёшли иситиши тизимлари 1.2.10-1.2.11-расмларда көлтирилген.




**3.2.9.-расм.** Қүёш коллекторлари  
а-концентрациялайдиган; б-ясси; 1-қүёш нурлари; 2-иссиқликтің қабул қилувчи элемент; 3-нур қайтарадиган ойна; 4-кузатиш механизми; 5-нур ютиш панели; 6-ойна; 7-корпус; 8-иссиқлик изоляцияси; 9-улаш кувурлари.



**1.2.10-расм.** Концентрациялайдиган коллекторлы қүёшли иситиши тизими


1-параболоцилиндрик концентратор; 2-суюқлик иссиқлик аккумулятори; 3-қўшимча иссиқлик манбаи; 4-термометр; 5-иситиши тармоғи; 6-ростлаш вентили; 7-насос



**1.2.11-расм.** Ясси коллекторли қүёшли иситиш тизими

1-ясси қүёш коллектори; 2- кенгайиш идиши (дренаж баки); 3-кўшимча иссиқлик манбаи; 4- иссиқлик алмаштиргичи; 5-иситиш приборлари; 6-насос; 7- аккумулятор баки; 8-насос

Бутун дунё мамлакатлари сингари республикамизда қүёш энергиясидан амалий фойдаланишга технологик жиҳатдан тайёр ҳисобланган соҳалардан бири қүёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириш ва ундан ахолининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжларини қисман қоплаш учун фойдаланишдир.



**1.2.12- расм.** Қүёш иситгининг сатҳи  $2 \text{ m}^2$  ва иссиқ сув жамловчи бакининг ҳажми 140 л бўлган 2 контурли сув иситгич курилма



**1.2.13-расм.** Қуёш иситгичининг сатҳи  $4\text{ m}^2$  ва иссиқ сув жамловчи бакининг ҳажми 300 л бўлган 2 контурли сув иситгич қурилма

Қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириб берувчи қурилмалар қуёш иссиқлик қурилмалари ёки қуёш иситгичлари деб аталади. Қуёш иситгичлари, улар ёрдамида ҳосил қилинадиган иссиқлик энергиясининг потенциалига, яъни иссиқлик ташувчи муҳитнинг ҳароратига қараб шартли равишда 2 турга бўлиниши мумкин. Халқ хўжалигида энг кўп қўлланиладиган қуёш иситгичлари асосан яssi шаклда бўлиб улардан асосан иссиқлик ташувчи муҳитнинг ҳарорати  $100\text{ }^{\circ}\text{C}$  дан ошмаган ҳолларда фойдаланилади. Бундай ҳароратга эга бўлган иссиқлик ташувчи муҳит, масалан сув, турли истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти тизимларида, турар жой бинолари, саноат ва қишлоқ хўжалик обьектларини қиши мавсумида иситиши, шўр сувларни чучуклаштириш ва шу каби мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Агар иссиқлик ташувчи муҳит сифатида ҳаво ишлатилса бундай қурилмалардан ёз пайтида мева ва сабзавот маҳсулотларини қуритиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.



**1.2.14-расм.** Тошкент шаҳрида поликлиника биноси томига ўрнатилган сув иситгич қурилмалари



**1.2.15-расм.** Темир йўл вокзали биноси томига ўрнатилган сув иситгич қурилмалари


Иссиқлик ташувчи муҳитнинг ҳароратини  $200\div300$  °C ва ундан ҳам юқоригача иситиш учун тўпланган, яъни қуюклаштирилган қуёш нурлари ёрдамида ишлашга мўлжалланган қурилмалардан фойдаланилади. Бундай турдаги қурилмалардан асосан сувни қайнатиб буғ ҳосил қилиш ва ундан юқори ҳароратли иссиқлик манбай сифатида, жумладан анъанавий электр станцияларидаги сингари электр энергияси ҳосил қилиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Тошкент шаҳрида ясси қуёш иситгичлари асосида ясалган ва амалиётга жорий қилинган қурилмаларнинг ташки кўринишлари кўрсатилган.



**1.2.16-расм.** Анъанавий ёқилғи ҳисобига ишловчи қозонхона ҳудудида жойлашган ва кираётган сувни даслабки иситиб берувчи қуёш сув иситгич қурилмаси

Иссиқлик энергиясига айлантирилган қуёш энергиясидан қиши мавсумида тураг-жой биноларини иситиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Аммо қиши пайтида атроф муҳит ҳароратининг пасайиб кетиши ва қуёшдан келаётган энергия миқдорининг ёз пайтидагига нисбатан 2-2,5 баравар камайишини ҳисобга олсак, қуёш энергиясидан биноларни иситиш учун фойдаланиш иссиқ сув таъминоти тизимларига нисбатан анча мураккаб эканлиги келиб чиқади. Шу сабабли биноларни 100 % қуёш энергияси ҳисобига иситиш мушкул масала ҳисобланади. Аммо бинонинг томига ёки ён деворларига ўрнатилган қуёш иссиқлик қурилмалари ёрдамида олинган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб бинонинг қиши мавсумида иситилиши учун зарур бўлган ёқилғининг 30-40 % ни тежаб қолиш мумкин. Қуёшли иситиш тизимлари, мазкур тизимларда ишлатиладиган насослар, вентиляторлар ва автоматик бошқарув воситалари каби ёрдамчи жиҳозларнинг бор йўқлигига қараб шартли равишда актив ва пассив тизимлар деб аталувчи 2 турга ажратилади.



**1.2.17-расм.** Актив күёш иситиш тизими схемаси:

1- бино томига ўрнатилган ясси күёш сув иситгичлари; 2- ёқилғи ёрдамида ишловчи иситгич (қозон); 3- иситилаёттан хона ичига ўрнатилган иситувчи радиатор; 4- иситилаёттан хона; 5- күёш нурланиши

Актив тизимларда қүёш иситгичлари бинодан ташқарида, масалан томида, жойлаштирилиб уларда қиздирилган сув насос ёрдамида бинонинг ичида жойлашган иситиш жиҳозлари яъни радиаторларга юборилади. Булутли кунларда ва кечкурунлари бинони иситиш учун анъанавий ёқилғи ёрдамида ишловчи иситиш қурилмаларидан фойдаланилади.

Күёшли иссиқлик таъминоти тизимларини амалиётга татбиқ этилганлиги одатда ўрнатилган қүёш коллекторларнинг умумий юзаси билан баҳоланади. Шуни айтиш жоизки бошқа хорижий давлотларига қараганда Ўзбекистонда **ўрнатилган қүёш коллекторларнинг (КК) умумий юзаси** анча кам миқдордадир.

Мамлакат	КК нинг умумий юзаси, млн.м <sup>2</sup>	КК ни битта кишига туғри кела диган юзаси, м <sup>2</sup>	Хар йили тежа ладиган ёқилғи ҳажми, млн.ш.т.
Ўзбекистон	0,04	0,002	0,004 ÷ 0,006
АҚШ	10,0	0,05	1,0 ÷ 1,5
Япония	8,0	0,06	0,8 ÷ 1,2
Израиль	1,75	0,45	0,18 ÷ 0,26
Австралия	1,2	0,08	0,12 ÷ 0,18

Күёшли иссиқлик таъминоти тизимлари бўйича илмий тадқиқот ишлари ТАҚИ (“Инженерлик тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш” кафедраси), АЖ “ЎзЛИТТИ”, ЎзФА ФТИ “Физика-қўёш” ИИЧБ, Энергетика ва автоматика институт каби ўқув ва илмий тадқиқот институтларида олиб борилмоқда. қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимларини *амалиётда татбиқ қилиши* масаласига ТАҚИ олимлари ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Улар томонидан 20 дан ортиқроқ намунавий лойиҳалар, *КМҚ, қуёшли коллекторларнинг* давлат стандартлари ишлаб чиқилган.

### **2.3. Гелиобиноларни энергосамарадорлигини ошириш йўллари**

Охирги ўн йилликда қурилиш индустриясининг ривожланишини асосий йўналишларидан бири энергия самарадорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади. Хорижда фойдаланиладиган биноларнинг иссиқликдан ҳимоясини яхшилаш бўйича ишланмалар, ишлаб чиқаришга 70-йиллар энергетик кризисга туртки бўлди, 1976-1980 йилларидан бошлаб кўпгина хорижий мамлакатларда иссиқликдан ҳимоя қилувчи ташқи тўсувчи конструкцияларнинг меъёрий катталиги 2-3 баробар катталашди. Ҳозирги кунда қўлланилаётган иссиқликдан ҳимоя материалларига қўйиладиган талаблар тинимсиз ошмоқда, иссиқлик ўтказувчанлик меъёрлари айrim қурилиш конструкциялари, шунингдек барча бино ва иншоотлар учун ҳам шиддатлашди. Бино ва иншоотларни иссиқлик ҳимояси бир қанча амалий мақсадларни кўзда тутади: қулайлик даражасини ошириш, иссиқдан ва товушдан ҳимоя, ёқилғи ресурсларини тежаш ва фойдаланиш сарф-ҳаражатларини қисқартириш. Энергия жиҳатдан самарали бинолар сарасига нафақат конструкцияси иссиқдан ҳимояланган бинолар, балки шамоллатиш ва иссиқлик билан таъминлаш системалари муҳандислик ечимлари мавжуд бинолар ҳам киради. Энергия самарали бинолар конструкциясини ривожлантириш учун турли бинолардан фойдаланиш бой тажрибасига таяниш зарур. Биноларнинг энергиясамарадорлиги кўпгина омиллар жамланмаси билан белгиланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий кўп қаватли тураг жой биноларидан фойдаланилганда девор ва тиркишлардан 30%гача иссиқлик, дераза орқали эса 18-30%, ертўладан- 5-10%, томдан- 10-18%, шамоллатиш орқали-18% иссиқлик йўқотилади. Иссиқлик йўқотилишини камайтириш учун энергия тежашга комплекс ёндашиш керак. Келтирилган маълумотларга кўра, тўсувчи конструкцияларнинг термик қаршилигини пасайтириш бино энергия самарадорлигини анча пасайтиради. Фақатгина тўсувчи конструкцияни иситиб, иссиқлик йўналишини камайтиришга эришиб бўлмайди, чунки бинони атроф муҳит билан фаол иссиқлик алмашиш жойларида иссиқлик кўпроқ йўқотилади, бу жойлар “совуқлик кўприк”лари деб ҳам аталади.

Бундай қисмлар қўшимча ораёпма плиталар юк кўтарувчи деворлар билан уланган жойда, тўсувчи конструкциялар ва деразаларда, шунингдек уч қатламли иситкичли конструкцияларда сифатсиз иссиқлик ҳимоядан фойдаланилганда ҳосил бўлади.

Шунинг учун замонавий иситиш системалари бино конструкцияси атрофида комплекс ҳимоя иссиқлик қобигини яратишини кўзда тутади. Бундай қобиқ таркибида грунт билан контактда бўлувчи замин конструкциясини иситиш қия ёки яssi томлар иситиши билан уйғунликда, юк кўтарувчи конструкцияларга мусбат ҳароратни ҳайдаб берувчи шамоллатиладиган фасадлар ўрнатиш киради. Бу тадбирлар мажмуаси “совуқ кўприк” ҳосил бўлишини олдини олади, тўсиқни иссиқлик қаршилигини оширади, конструкциянинг фойдаланиш хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи конденсат бўлишини олдини олади. Яна бир жиддий муаммо деразалар орқали иссиқлик йўқотилишидир. Деразалар майдони кичрайтириб, бу масала осонгина ҳал қилингандек тувлади, лекин бу ҳолда хона қулайлиги ва ёруғлик микроиқлими бузилади. Бу муаммони ечишнинг энг яхши йўли 2 ёки 3 қатламли паст иссиқлик ўтказувчан замонавий шишапакетларни қўллашдир.

Юқорида айтиб ўтилган энергияни тежашнинг пассив жиҳатларидан ташқари юқори технологияларни жалб қилинган энг янги ечимларни айтиб ўтиш ўринли. Бинога иссиқлик келишини ва тақсимланишини таъминловчи иситиш интелектуал системалари кўзда тутилмоқда, яъни зарурӣ ва етарли иссиқлик микдори ўз-ўзидан таъминланади. Лекин бундай ёндашув кенг тарқалган нейтрал иситиш системасига муҳим ва айрим ҳолларда аниқ ўзгартиришларни киритишни талаб қиласди.

Бутун жаҳонда ҳозирги кунда энергия жиҳатдан самарали бинолар қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Айниқса ғарбий Европа ва Скандинавия мамлакатлари эришган ютуқлар диққатга сазовордир. Бу ерда қурилаётган турар жой ва тижорат бинолари иссиқлик тежаш йигинди самарадорлиги 50% ни ташкил қиласди. Бундай салмоқли иқтисод энергия тежаш технология характерларини тез қоплаш имконини беради.

Хусусан Данияда, ҳозирги кунда шундай бинолар қурилмоқдаки, улардан фойдаланилганда  $16 \text{ кВт}/\text{м}^2$  энергия сарфланади, бу кўрсаткич жорий энергия ҳаражатларидан 70% га кам. ROCKWOOL тадқиқот маркази биноси энергиясамарадор бинолар қурилишига комплекс ёндошувнинг ажойиб мисоли бўлиб хизмат қиласди. Бу лойиха “2000–йил идораси” мукофотига сазавор бўлди ва дунёдаги энг энергиясамарадор бинолардан бири деб тан олинди. Янги мухандислик ечимларини қўллаш “совуқ кўприк” ҳосил бўлиши эҳтимолини йўқقا чиқаради. Кўлланилган З қаватли алоҳида конструкцияли паст иссиқлик ўтказувчи деразалар ёруғлик ва фазо таасуротини беради. Ҳозирги кунда атроф муҳит ресурсларидан фойдаланиш ва энергияни истъемол қилиш даражаси бўйича дунё амалиётида бир нечта турдаги бинолар қўлланилади:

1. Энергетик жиҳатдан самарали бўлган қуёш радиациясини кучли ютишга мўлжалланган, лекин олинган иссиқликни сақлаш системалари ўрнатилмаган бинолар;
2. Минимал энергия йўқотадиган, иссиқликни маҳсус ютиш, тақсимлаш ва сақлаш системаларига эга бўлган бино (қуёшли уй);
3. Энергетик жиҳатдан самарадор бино, оптимал танланган хажмий тархий ечим, шакли, кўрсаткичлари ва кучли иссиқлик ҳимояли бу бинода иссиқликни йўқотилиши минимум даражага туширилган (экобинолар).

Маълумки, қуёшли уй лойиҳалашнинг биринчи босқичи бу биноларни оптимал шакли, ўлчамлари, хажмий-тархий конструктив ечими ва йўналишини танлашдир. Одатда, ихчам, квадрат шаклига яқин тарх тавсия қилишади, бунда ташқи девор периметри минимал бўлади.

Ихчамлик кўрсаткичи бўлиб, ташқи девор юзасининг девор ички хажмига нисбатига тенг коэффицент хизмат қиласди. Ташқи девор юзасини кичрайтириш учун цилиндрик, яrim сфера ва бошқа ноанъанавий шакллардан фойдаланиш мумкин. Энергия истеъмолини камайтириш учун бино тўсувчи элементларини лойиҳалаш кўпгина меъёрлари қайта кўрилмоқда, унинг иссиқдан ҳимоя хоссалари нисбатан замонавий ҳимоя материаллари, меъёрларини қўллаш ҳамда инфильтрацияни йўқ қилиш, дераза ва эшик орқали шамоллатиш ва бошқаларни қўллаб амалга оширилмоқда; шунингдек бино хоналарининг энергияни истеъмол қилиши ва фойдаланиш тартибига кўра бикр дифференциялаш орқали ошириш мумкин. Кам иситиладиган хоналарни (шкафлар, омборлар, сантугунлар, гаражлар ва б.) шимолий томонга кўндаланг қилиб буфер элементлари сифатида жойлаштириш тавсия қилинади. Бинони майдонини режалаш ва уларни тўғри йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Қуёш нурланишидан самарали фойдаланиш учун турар жойнинг жанубий девори ёки томи соат 9.00 дан 15.00 гача ҳавонинг айниганд пайтида ҳам қуёш нурлари билан нурланиб туриши керак, бунинг учун бино фасади жанубга 10.....20 дан кўп бўлмаган бурчакка оғиб йўналтирилган бўлиши керак, ҳамда бино фасадининг жанубий қисми соя бўлиб қолишига қаралар кўрилган бўлиши керак.

Хозирги кунда бутун жаҳонда гелиоархитектура шиддат билан ривожланмоқда. Ҳамма биладики, қуёшли кенгликлардаги 2 қаватли уй ўзини-ўзи электр энергияси билан таъминлай олади, қишига ҳам заҳира тайёрлаб қўя олади. Бунинг учун том ёпма юзасини қуёшли батареялар билан жиҳозлаш кифоя.

Олимларни эса бундай ёндошув қониқтирмайди. Улар учинчи авлод гелио қабул қилгичларни яратмоқдалар. Қачонки, биринчи авлод ихтиросини жанубий аҳоли эндиғина ўзлаштиришни бошлаган, иккинчи авлод – локаторли гелио қабул қилгичлар – тажриба – синов кўринишида қўлланила бошланди.

Бугунги кунда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг тадқиқот ва тажриба синов ишлари уч йўналишда олиб борилмоқда:

- паст қувватли (паст ҳароратли) иссиқликни иссиқ сув билан таъминлаш, фуқаро ва қишлоқ хўжалик бино ва иншоотларини иситиш учун олиш;
- ўрта ва юқори қувватли иссиқликни технологик жараёнлар, турли материалларни синтезлаш ва эритиш учун олиш (Тошкент вилояти “Қуёш” илмий-тадқиқот бирлашмаси);
- Атом электр қурилмалари ёрдамида (АЭС) электр энергиясини олиш. Бу йўналишларни ҳар бири мос қувватли иссиқлик ва энергия олиш зарурияти ва моҳиятига кўра катта маблағ талаб қиласди ва ҳозирги кунда қуёш энергиясини йиғиши ва сақлаш учун катта майдон талаб қилингани сабабли фойдали иш коэффиценти кичиклигича қолмоқда.

Гелиоқурилмаларни оммавий ишлатилишдан тўсib турувчи асосий сабаб унинг солиширима баҳосининг баландлиги -1500-3000 АКШ доллари  $m^3/\text{сутка}$ , баҳосини қопланиш муддати ҳам катта, энг умумий ҳолда гелиоқурилмалари баҳоси қопланишини қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$T = S_c / (QC_T), \quad (3.1)$$

Бу ерда  $S_c$  – гелиоқурилма солиширима баҳоси,  $\text{сўм}/\text{м}^2$   
 $Q$ -гелиоқурилма томидан ишлаб чиқилган йиллик иссиқлик миқдори  $\text{Гкал}/\text{м}^2$ ;  
 $C_T$  – анъанавий энергия манбаси иссиқлик баҳоси, сум/б кал.

Қўшимча иссиқликсиз иссиқ сув билан таъминлаш гелиоқурилмаси энергетик қопланиши муддатини аниқлаш формуласи:

$$T_\vartheta = \frac{[\sum (m_r \vartheta)_r - \sum (m_y \vartheta_y)] 1,2}{Q_r n} \quad (3.2)$$

Бу ерда  $\sum (m_r \vartheta)_r$ ,  $\sum (m_y \vartheta_y)$  – гелиоқурилма жиҳозлари қуёш коллекторлари ва ёрдамчи конструкциялари материаллари энергия сигими ва вазни йигиндиси суммалари;

$Q_r$  – бир йил мобайнида гелиоқурилма томонидан ишлаб чиқарилган иссиқлик миқдори

$n$  –ундан фойдаланиш ҳисобий муддати.

1,2 коэффиценти гелиоқурилма монтаж қилинишидаги энергия сарфларини ҳисобга олади.

Қобирға конструкциялари, иссиқлик ютувчи тошли ва иссиқлик ҳимояси билан фарқланадиган 3 та қурилма энергетик қопланиши муддати:

- латун қувурли иссиқлик ютувчи панель пўлат иссиқлик ҳимоя, энергияланиш ва ДВПли тўсинли қурилмани энергия қопланиши муддати - 1,04 йил;

- худди шунинг ўзи алюминили иссиқлик ютувчи қовурғали, пўлат варақли қурилма энергия қопланиш муддати -1,16 йил;

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, коллекторнинг биринчи конструкцияси энергия қопланиш муддати –кичик иккинчи конструкция учун –катта бу ҳол алюминийнинг баланд энергосифими билан боғлиқ. Ҳисоблар натижаси, шунингдек, гелиокурилмаларни иссиқлик билан таъминлаш анъанавий манбалар билан фақат нарх-наво кўрсаткичи солиштириш обектив бўлмаслигини қўрсатади.

Гелиокурилмалар баҳоси қопланиши муддатини қисқартиришининг асосий йўналиши қуёш коллекторлари нархини арzonлаштирилишидир.

Маълумки, қуёш коллектори иккита иссиқлик ҳимояга эга; иссиқлик ютувчи панел устида шаффоф ва унинг тагида оддий ҳимоя. Кейингиси учун ҳисобий, синов ва иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ўтказилди.

Куёш коллектори иссиқлик ҳимояси иқтисодий жиҳатдан меъёрий иссиқлик техникаси, мустақиллик ва иқтисодий меъёрлар талабларига белгиланган қопланиш муддатида жавоб берилишини таъминлаши лозим.

Иссиқлик ҳимоя материалига қараб, унинг термик қаршилиги ҳимоя яхлит қатлами қалинлиги ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти билан аниқланади. 20-100 мм қалинликдаги хаво бўшликлари ишлатилганда белгиловчи аҳамиятга нурланиш орқали иссиқлик узатишига эга бўлади. Ҳимоя қатлами 100 мм бўлган пенополизретан термик қаршилиги 2,86 ( $\text{м}^{\circ}\text{C}/\text{Вт}$ ). га тенг. Шундай қилиб пенополизретан иссиқлик ютувчи хоссалари 3,7 баробар баланд бўлади.

Ташқи тўсиқ иссиқлик ҳимоя термик қаршилиги материалга боғлиқ эмас, асосан ташқи ҳаво тезлиги билан белгиланадиган конвекция иссиқлик узатиши билан боғлиқ.

Куёш коллекторининг асосий тавсифи коллектор иссиқлик йўқотиши умумий коэффиценти кўпайтмасидан иборат. Бир қават шаффоф ҳимояли, қора иссиқлик ютувчи қопламали коллектор учун шамолнинг нолли тезлиги  $FU_L \leq 5,8 \text{ Вт}/(\text{м}^{2\circ}\text{C})$  да аниқлаш хатолиги  $\pm 10\%$  ёки  $\pm \text{Вт}/(\text{м}^{2\circ}\text{C})$ .

Иссиқлик ҳимоя турли конструкцияларини қуёш коллекторлари синаганда, қуидаги тафсифларга эга бўлган:

- латун қувирли, алюминийли қовурғали иссиқлик ютувчи панел, коллектор ФИК ва ютувчи панел самарадорлиги кўпайтмаси -0,72;
- қалинлиги 4мм бўлган бир қават дераза шишаси;
- иссиқлик ҳимоя ПС 1-100 варақли полистирал пенепласт 50мм қалинликдаги полиэтилен деворда;
- коллектор иссиқлик йўқотилиши умумий коэффицентини шамол нолли тезлиги ютувчи панел самарадорлик коэффиценти кўпайтмаси  $5,8 \text{ Вт}/(\text{м}^{2\circ}\text{C})$ ; га тенг;
- 944x912x110 мм ўлчамли пўлат корпус.

Атроф муҳит ҳарорати 14 дан  $22^0$  С гача бўлган лабораторияда синов ўтказилган, коллектордаги сув ҳаракати  $60^0\text{C}$ , сув сарфи 23,4 е/соат,

коллектор оғищ бурчаги  $45^0$ . Тажрибалар ГОСТ схема ва усули бўйича ўтказилди. Синалаётган коллекторлар иссиқлик ҳимоя конструкциялари билан фарқланган:

- штатли;
- иссиқлик ҳимоясиз;
- битта парда деворли Пергамин қути;
- иккита парда деворли Пергалин қути;
- коллектор бўшлиғидаги қурилмалар
- пергалин қути бўшлиғидаги қурилмалар

Бунда олинган айрим натижалар 3.1 – жадвалда келтирилган.

### 3.1-жадвал

N т/р	Иссиқлик ҳимоя тури	Йўқотишларни умумий коэффиценти ва самарадорлик коэффицентига кўпайтмаси, $FU_L$ , $Bt(m^{20}C)$	Ўртача қиймат $FU_L$ , $Bt(m^{20}C)$	Штатли коллектор от $FU_L$ , дан фоизда	ГОСТ бўйича $FU_L$ дан фоизда
1.	Штатли	4,7-5,8	5,25	100	91
2.	Иссиқлик	6,6-7,5	7,05	134	122
3.	ҳимоясиз Пергалин қути	5,7-6,7	6,2	118	107
4.	Битта перегородкали пергалин қути	5,2-6,2	5,7	109	98
5.	Иккита предгородкали пергалин қути	5,5-6,5	6,0	114	103
6.	Каллектор бўшлиғидаги вкладиш	6,9-7,0	7,0	132	121
7.	Пергалинли қути бўшлиғидаги вкладиш	5,5-6,4	8,0	114	103

Натижалар таҳлили бўйича рухсат этилган хатолик  $FU_L$ . ( $\pm 10\%$ ) чеграсида коллекторлар бўшлиғидаги қўйилмалардан ташқари ҳамма иссиқлик ҳимоя конструкциялари бўлади.

Умумий ҳолда коллектор иссиқлик ҳимоя солиштирма баҳоси иссиқлик энергияси баҳосига teng бўлиши ёки бу баҳодан паст бўлиши керак; берилган иссиқлик ҳимоядан маълум фойдаланиш муддатида йўқотиладиган исиқлик энергияси:

$$C_u \leq \frac{\lambda \cdot (t_{\text{ж}} - t_e) \cdot n \cdot T \cdot C_T \cdot I_T}{\delta^2} \quad (3.3)$$

Бу ерда  $C_u$  – иссиқлик химояси, сум/м<sup>2</sup>;

$\lambda$  – иссиқлик үтказувчанлик коэффиценти, Вт/(м<sup>2</sup>°C);

$t_{\text{ж}}$  – коллектордаги суюқлик ўртача ҳарорати, °C

$t_b$  – коллектор ишлатилиши маъсули давомида ҳавонинг ўртача ҳарорати, °C;

$n$  – коллекторни мавсум давомида ишлатилиш муддати, соат/йил;

$T$  – коллекторлар тўлиқ баҳоси қопланадиган йиллар сони;

$C_m$  – анъанавий манбаълардан олинадиган иссиқлик энергияси баҳоси, гелиоқурилма томонидан қопланадигани, сум/Вт;

$I_m$  – иссиқлик энергияси баҳосини қопланадиган муддати чегарасида ўзгариш коэффиценти.

(3.3) формула ҳисоби натижаси шуни кўрсатадики, қалинлиги 0,05 м пенополиуратанли иссиқлик химояли ва ҳаво қатлами  $t_c = 30^{\circ}\text{C}$ ,  $t_b = 15^{\circ}\text{C}$ ,  $n = 2160$  ч/год,  $T = 10$  лет,  $C_m = 0,2 \cdot 10^3$  сум/Вт,  $I_m = 7,07$  (бирлиги йил инқироз эҳтимоли 30% ва кейинчалик ўртача йилига 10%) бўлган бир хил унумдорликка эга бўлган коллекторли конструкция баҳоси 4-5 мартага қисқариши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Қуёш қандай тузилишга эга?
2. Қуёшда нима ҳисобига қўп миқдорда энергия ажралиб чиқади?
3. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотларни гапириб беринг?
4. Қуёш радиацияси қандай турларга бўлинади?
5. Ер атмосферасидан ташқаридаги қуёш радиацияси қандай ўзгариди?
6. Қуёш доимииси қандай катталик?
7. Ер юзасидаги қуёш радиацияси қандай аниқланади?
8. Ер юзасидаги қуёш радиацияси нима ҳисобига камаяди?
9. Тўғри ва тарқоқ қуёш нурланиши қандай катталиклар?
10. Тўғри қуёш нурланиши тарқалишининг йўналиши қандай аниқланади?
11. Тарқоқ нурланишининг йўналиши қандай бўлади?
- 12.. Қуёш нурланиши оқимининг ўртача суткалик интенсивлиги қандай ҳисобланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.
2. Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиклик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
3. Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиклик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.
4. Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford Unevirsity. New York, 2005.
5. Anderson B. Solar energy: fundamentals in building design. 1977.
6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
11. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Аvezov Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. -Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010, 192 стр.
12. КМК 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.
13. Ўз РСТ 744-96. Қуёш коллекторлари. Умумий техник шартлари. Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 47 бет.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: Қуёш радиацияси интенсивлигини ҳисоблаш

**Ишдан мақсад:** Қуёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун тўғри ва тарқоқ қуёш радиациясининг соатли йифиндилирини ҳисоблаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун тўғри ва тарқоқ қуёш радиациясининг соатли йифиндилирини ҳисоблаш бўйича амалий масалаларни ечиш.

Тўғри қуёш радиациясининг интенсивлигини ва тарқоқ қуёш радиациясининг интенсивлигини ҳисоблаш. Қуёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун тўғри ва тарқоқ қуёш радиациясининг соатлик йифиндилирини аниқлаш. Тарқоқ радиация учун қуёш коллектори холатининг коэффициентини ҳисоблаш. Ютилган қуёш радиациясининг келтирилган интенсивлигини аниқлаш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурӯхларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илфор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

*Қуёш радиацияси интенсивлигининг ҳисоби*

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг хисоби, *тўғри ва марқоқ* қуёш радиациясининг соатли йифиндилари ва ташқи ҳаво ҳарорати бўйича бажарилади. қуёш радиацияси интенсивлигининг катталиги, ташки ҳавонинг ҳарорати, одатда, ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича қабул қилинади.

Қуёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати ва ёруғ куннинг хар бир соати учун ташаётган қуёш радиациясининг интенсивлигини  $q_i$ , Вт/м<sup>2</sup>, куйидаги формула бўйича аниқлаш лозим.

$$q_i = P_s I_s = P_D I_D,$$

бу ерда  $I_s$ - горизонтал юзага тушаётган *тўғри* қуёш радиациясининг интенсивлиги, Вт/м<sup>2</sup>;  $I_D$  - горизонтал юзага тушаётган *марқоқ* қуёш радиациясининг интенсивлиги, Вт/м<sup>2</sup>;  $P_s$ ,  $P_D$  - *тўғри ва марқоқ радиациялари* учун мос равища қуёш коллектори холатининг коэффициентлари.

Тарқоқ радиация учун қуёш коллектори холатининг коэффициенти  $P_D$  ни кўйидаги формуладан аниқлаш мумкин

$$P_D = \cos^2 b / 2$$

бу ерда  $b$  - қуёш коллекторининг горизонга нисбатан киялик бурчаги.

*Тўғри радиация* учун қуёш коллектори *холатининг коэффициенти*  $P_s$  ни куйида келтирилган жадвал бўйича аниқлаш лозим.

Ютилган қуёш радиациясининг келтирилган интенсивлигини  $q_\alpha$  Вт/м<sup>2</sup>, куйидаги формула бўйича аниқлаш лозим.

$$q_\alpha = 0,96(P_s \theta_s I_s + P_D \theta_D I_D),$$

бу ерда  $\theta_s$  ва  $\theta_D$  - тўғри ва тарқоқ қуёш радиацияси учун қуёш коллекторларининг мос равища келтирилган оптик тавсифномалари. Паспорт маълумотлари бўлмаган холда:

$\theta_s = 0,74$  ва  $\theta_D = 0,64$ - бир ойнали қуёш коллекторлари учун;

$\theta_s = 0,63$  ва  $\theta_D = 0,42$ - икки ойнали қүёш коллекторлари учун қабул қилиниши мумкин.

**Жанубий ориентациялы қүёш коллекторлари учун, горизонтга нисбатан турли киялик бурчакларыда  $P_s$  нинг ўртача ойлик қийматлари.**

Коллекторниң горизонтга нисбатан киялик бурчаги, град.	ОЙЛАР											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII

### Жойнинг кенглиги 40 °

25	1,76	1,49	1,30	1,13	1,04	1,00	1,01	1,08	1,22	1,40	1,66	1,85
40	2,24	1,72	1,36	1,11	0,97	0,90	0,93	1,03	1,24	1,55	2,03	2,45
55	2,46	1,79	1,33	1,03	0,86	0,78	0,81	0,94	1,17	1,56	2,18	2,72
90	2,30	1,48	0,91	0	0	0	0	0	0,75	1,17	1,96	2,61

### Жойнинг кенглиги 45°

30	2,14	1,71	1,42	1,19	1,07	1,02	1,04	1,13	1,30	1,56	1,96	2,31
45	2,86	1,99	1,49	1,17	1,00	0,92	0,95	1,08	1,33	1,74	2,47	3,27
60	3,13	2,07	1,45	1,09	0,89	0,80	0,84	0,99	1,26	1,76	2,66	3,64
90	3,04	1,81	0,99	0,71	0	0	0	0	0,89	1,37	2,5	3,63

**Назорат саволлари:**

1. Қүёш радиациясининг қандай турлари мавжуд?
2. Қүёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун түғри қүёш радиациясининг соатлик йиғиндилари қандай аниқланади?
3. Қүёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун тарқоқ қүёш радиациясининг соатлик йиғиндилари қандай аниқланади?
4. Ютилган қүёш радиациясининг келтирилган интенсивлиги қандай аниқланади?
5. Қүёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун түғри қүёш радиациясининг соатлик йиғиндилари нималарга боғлиқ?
6. Қүёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун тарқоқ қүёш радиациясининг соатлик йиғиндилари нималарга боғлиқ?
7. Қүёш коллекторининг ихтиёрий фазовий холати учун түғри ва тарқоқ қүёш радиациясининг соатлик йиғиндиларини аниқланганда қандай меъёрий хужжатлардан фойдаланилади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
2. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
3. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
4. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
5. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
6. ҚМҚ 2.04.16-96. “Қүёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитекткурилишкүми ЎзР, 1996, 31 бет.

## **2-амалий машғулот: Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари билан танишиш**

**Ишдан мақсад:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари билан танишиш ва уларнинг тузилиши бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимлари бўйича амалий масалаларни ечиш.


Қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимлари. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини танлаш. Табиий циркуляцияли қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари. Икки контурли қурилмалар. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаш бўйича тавсиялар.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра суҳбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланилдиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илфор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

### **4.2.1. Қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимлари**

Қуёшли иссиқ сув таъминоти тизимлари (ҚИТТ) ларнинг икки асосий мавжуд иссиқлик ташувчисининг *табиий* (4.2.1-расм, *a*) ва *мажбурий* (4.2.1-расм, *b-e*) *циркуляцияси*. Агар қуёш коллектори контурида ва иссиқлик

аккумулятор бакида сув ишлатилса, унда ҚИТТ бир контурли схема бўйича бажарилади.



**4.2.1-расм** қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг принципиал схемалари:

- табиий циркуляцияли;
- бир контурли;
- икки контурли;
- сув доимий ҳароратга эга бўлган икки контурли;
- учконтурли;
- бак-аккумуляторида иккита илонсимон иссиқлик алмаштиргичли.

1-қүёш коллектори; 2-бак-аккумулятор; 3-қўшимча сув иситкичи; 4-циркуляция насоси; 5-иссиқлик алмаштиргич; 6- ҳарорат ростлагич.

ҚҚ контуридаги иссиқлик ташувчисини музлашдан химоя қилиш учун антифриз қўлланилиши мумкин, бу холда антифриздан иссиқлик сувга иссиқлик алмаштиргич ёрдамида берилади, ва ҚИИТ икки контурли схема бўйича бажарилади (4.2.1-расм, *д, е*) ҳам ишлатилиши мумкин. Лекин бир нарсани эсда тутиш керакки, ҳар бир қўшимча контур ҚҚ нинг **фойдали иш коэффициенти** (ФИК) ни камайтиради, чунки иссиқлик алмаштиргичларда ҳарорат потенциали йўқотилади ( $3\text{--}5^{\circ}\text{C}$ ), бу эса ҚҚ ни юқорироқ ҳароратда ишлашига олиб келади.

Биринчи турдаги ҚИТТ лар, бу холда қурилманинг иссиқлик аккумулятор баки қўёш коллекторидан юқорироқ ўрнатилиш лозим. Иссиқ сувнинг йирик истеъмолчилар учун иссиқлик ташувчисини айлантириш учун насос талаб этилади (4.2.1-расм, *в, е*).

### **Куёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини танлаш**

**Куёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини танлаш**, бинонинг турига ва вазифасига бўйича бажарилади, қуйидаги жадвал бўйича танланади.

№ № т/р.	Бинолар тури	Куёшли иссиқ сув таъминоти курилмалари	Куёш коллекторининг тури
1.	Кемпинглар, мотеллар, ёзги душлар, иситиш учун козонхонали турар жой уйлари, махаллий	Автоном (мустақил) мавсумий харакатдаги дублерсиз ва қўшимча иситгичсиз (ҳарорат	Пластикли ва ясси коллекторлар

	қозонхонали корхоналарнинг (Автокорхоналар, катта бўлмаган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик объектлари ва ш.к.) ёрдамчи бинолари ва хоналари.	стабилизатори) қурилмалар.	
2.	Мавсумий ишлайдиган пансионатлар, мактаб ўкувчилари учун ёзги лагерлар, турбазалар, дам олиш уйлари, катта бўлмаган корхоналар ва фирмаларнинг хўжалик- майший хоналари.	Технологиг эҳтиёжларга иссиқ сув сарфини қоплаш учун (ошхоналар, кир ювиш ищхоналари, машина ва двигателларни ювиш, шишаларга ишлов бергандан сўнг ювиш ва ш.к.) мўлжалланган мавсумий дублёрли ва қўшимча иситкичли қурилмалар.	Яssi ва қувурсимон вакуумли сувга бевосита иссиқлик узатиладиган коллекторлар
3.	Касалхоналар, мехмонхоналар, санаториялар, болалар боғчалари, кир ювиш ищхоналари ва жамоат овқатланиш жойлари.	Дублердан ёки қўшимча иситгичдан 100% таъминланган мавсумий қурилмалар	Яssi ва қувурсимон вакуумли U-симон қувурлар ҳамда иссиқлик қувурлари билин жиҳозланган коллекторлар
4.	Доимо ҳаракатдаги иссиқлик таъминоти	Мавсумий қурилмалар ва йил бўйи қушимча	Яssi ва қувурсимон вакуумли U-симон

	тизимларига бинолар	уланган	иситкич энергия	сифатида манбасидан	кувурлар	хамда
			фойдаланидиган	қурилмалар	иссиқлик	кувурлари билан жиҳозланган коллекторлар

**Табиий циркуляцияли** қүёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини қүёш коллекторларининг майдони  $30\text{ m}^2$  дар ортик бўлганда, бир геометрик белгиларида жойлашган, совук сув узатиладиган ва иссиқ сув олинадиган кувурлар билан параллел bogланган алоҳида бак-аккумуляторларга эга бўлган **мустакил модулларга** бўлиш лозим.

**Икки контурли** қурилмаларнинг иссиқликни қабул қилиш контурида иссиқлик ташувчиси сифатида, одатда деаэрацияланган сув ёки захарли бўлмаган ва ёнмайдиган антифриздан фойдаланиш лозим. Диэтиленгликоль асосидаги антифризлардан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу холда иккита боғлик бўлмаган **иссиқлик алмаштиргичли бак-аккумуляторлар** ёки уч контурли қурилма ишлатилиши лозим.

Қүёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари қушимча (дублёр) иссиқлик манбалари (козонхона, ИЭМ, электр козони ва ш.т.) билан узаро bogланган булиши шарт.

Ёзги душларда душ аралаштиргичлари олдидағи ихтиёрий (эркин) напорни камида 1,5 м кабул килиниши лозим. Бунда хар бир аралаштигичларга иссиқ ва совук сув мустакил кувурлар билан уланиши шарт, бу холда сувни коллекторли таксимотига йўл қуйилмайди.

### ***Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини лойиҳалаши бўйича тавсиялар***

Бинолар томида жойлаштириладиган қүёш коллекторлари таянчларга жойланиши шарт.

Томдан қүёш коллекторларининг тагигача бўлган масофа томни таъмирлашга имконият бериши шарт.

Күёш коллекторларининг *оптимал ориентацияси*, шарққа- $20^{\circ}$  гача, гарбга-  $30^{\circ}$  гача оғиши мумкин бўлган, жануб хисобланади.

Күёш коллекторлари остидаги таянч конструкцияларининг хисобини, шамол ва кор юкланишларини хисобга олган холда олиб бориш лозим. қўёш иссиқ сув таъминоти қурилмаларини сейсмик районларда куришда сейсмик таъсирларни хисобга олган холда конструкцияларни лойихалаш лозим.

Бак-аккумуляторлар, иссиқлик алмаштиргичлар ва кувурларни иссиқлик изоляцияси кузда тутилиши лозим.

Гелиоприемник контурининг сувини тукиш ва тўлдириш учун мосламалар (тўкиш жумраклари ва водопровод сувини узатиш учун вентиллар) кўзда тутилиши лозим.

#### *Табиий циркуляцияли қурилмалар:*

- қўёш коллекторларига сув узатувчи, шунингдек, водопровод сувини узатувчи кувурларни бак-аккумуляторнинг пастки кисмiga улаш;
- қўёш коллекторларидан исиган сувни олиб кетувчи ва уни иссиқ сув таъминоти тизимига узатувчи кувурларни бак-аккумуляторнинг юкори кисмiga улаш лозим. Қўёш коллекторларини бак-аккумулятори билан улаш учун шартли ўтиш диаметри 25 мм дан кам бўлмаган қувурлардан фойдаланиш лозим.

Қўёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг магистрал кувурлар ёткизилганда, иссиқлик ташувчиси табиий циркуляцияли қурилмалари учун 0,01 дан; иссиқлик ташувчиси насосли циркуляцияли қурилмалари учун эса 0,002 дан кам бўлмаган кияликни кузда тутиш лозим.

Лойихада, одатда, қўёш *коллекторлари грухи* (бу гурухлар параллел уланганда), *иссиқлик алмаштиргичлар, бак-аккумуляторларини* кириш ва чиқиши жойида иссиқлик ташувчини ҳароратини ўлчаш учун имкониятлар ҳамда иссиқлик қабул қилиш контурининг пастки нуктасида манометр ўрнатиш имконияти кўзда тутилиши лозим.

Қуёш коллекторларини самарадорлирок ишлаши учун уларни гурухларга аралаш (кетма-кет параллел ва параллел- кетма-кет) схема бўйича улаш лозим. Қуёш коллекторларида иссиқлик ташувчисини харакатини пастдан юкорига деб кўзда тутиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
2. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
3. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
4. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
5. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
6. ҚМҚ 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитекткурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.

### **З-амалий машғулот: Қуёш коллекторларининг тузилишини ўрганиш**

**Ишдан мақсад:** Қуёш коллекторларини танлаш бўйича амалий кўнникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёш коллекторини а танлаш бўйича амалий масалаларни ечиш.

Қуёш коллекторларининг турлари. Ясси қуёш коллекторлари. Суюқлики ва ҳаволи ясси қуёш коллекторлари. Суюқлики қуёш коллекторларининг схемалари. Концентраторли қуёш коллекторлари. Қуёш коллекторларининг самарадорлиги ва уни ошириш усуллари. Қуёш коллекторлари учун селектив сиртлар. Иссиклик қувурли қуёш коллекторлари. Вакуумланган шишали қувурсимон коллекторлар.

Қуёш коллекторларининг турланиши ва уларни танлаш. Ясси қуёш коллекторлари. Фокуслайдиган қуёш коллекторлари. Парабола-цилиндрик концентраторлар, фоклинлар. Вакуумланган шишали қувурсимон коллекторлар. Қуёш коллекторларнинг асосий кўрсаткичлари.


Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

**Қуёш энергияси коллекторларининг турланиши ва уларни танлаш**  
**Қуёш коллекторлари,** қуёш энергиясининг зичлигини ўзгартирмайдиган **ясси коллекторларга** ва қуёш энергиясини концентрациялаб **фокуслайдиган коллекторлар** (парабола-цилиндрик концентраторлар, фоклинлар ва ш.к.) га турланади.

Иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун энг маъқул бўлган **ясси коллекторларидир**, чунки улар иссиқлик ташувчисини  $60^{\circ}\text{C}$  дан  $80^{\circ}\text{C}$  гача қиздиришга имкон беради. **Иссиклик ташувчисининг** ҳарорати  $80^{\circ}\text{C}$  ва ундан юкори бўлганда фокуслайдиган ёки **вакуумланган шишали қувурсимон коллекторлардан** фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Күёш коллекторларнинг асосий қисми-бу иссиқлик ташувчиси учун каналларга эга бўлган нур ютадиган сирт (абсорбер)дир. 4.3.1-расмда хар хил турдаги қўёш коллекторларининг конструктив ечимлари тасвирланган.


Бир қават ойнали ва  $0,8 \text{ м}^2$  юзага эга бўлган пўлат нур ютадиган панелли ҚҚ нинг қуввати (Братск иситиш жиҳозлари заводи, Россия)  $I_k = 800 \text{ Вт/ м}^2$  ва  $T = 20^\circ\text{C}$  бўлганда  $550 \text{ Вт/м}^2$  га teng. ҚҚ улчамлари: 1530x630x98 мм, масса 50,5 кг.




**4.3.1-расм.** Суюқликли қўёш коллекторларининг схемалари:

*a*- иссиқлик ташувчиси учун қувурлар абсорбер (нур ютиш панели) га пастки томонидан пайвандланган турдаги; *b*- “лист ичида қувур” турдаги; *c*- штампланган абсорберли; *z*- ваккуумланган шишали қувурсимон коллектор; 1- ойна, 2- иссиқлик изоляцияси.


4.3.2.-4.3.5-расмларда штампланган абсорберли суюқликли коллекторнинг умумий қуриниши, Братск иситиш жиҳозлари заводининг қўёш коллектори ва вакуумланган шишали қувурсимон коллекторларнинг қўринишлари тасвирланган.



**4.3.2- расм.** Штампланган абсорберли суюқлики коллекторнинг  
умумий куриниши.



**4.3.3- расм.** Братск иситиш жиҳозлари заводининг қуёш коллектори  
1- нур ютиш панели; 2- ойна, 3- корпус, 4- иссиқлик изоляцияси, 5-  
улаш қувурлари.



**4.3.4- расм.** Вакуумланган шишали қувурсимон коллекторнинг умумий куриниши ва кесими:

1- шишали қобиқ; 2- қайтаргич; 3- иссиқлик қувури (буғланиш зонаси) куринишдаги абсорбер; 5- иссиқлик ташувчиси учун канал; 6- конструкциянинг шишали ва металли қисмларини уланиши.

*Техник курсатгичларига* қура бу ҚҚ ри 1-чи авлодига мосдир, қўп давлотларда ҳозирги вақтда 2-чи ва 3-чи авлод ҚҚ ри ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси шароитида қўёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари учун, одатда, бир ёки икки қават ойнали ясси оқиб ўтувчи қўёш коллекторларини қўллаш лозим. Концентрациялайдиган қўёш коллекторларини ёки ойнасиз ясси коллекторларни қўллаш, уларни қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асосланганда гина рухсат этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
2. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.

3. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
4. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
5. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
6. ҚМҚ 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитектқурилишкүми ЎзР, 1996, 31 бет.

#### **4-амалий машғулот: Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар ва қурилмаларини конструкциялаш билан танишиш.**

Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар. Бир ёки икки кават ойнали ясси окиб утувчи қуёш коллекторлари. Концентрациялайдиган қуёш коллекторлари. Ойнасиз ясси коллекторларни қўллаш. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини конструкциялаш. Мавсумий қуёшли сув иситгич қурилмалари. Йил давомида узлуксиз ишловчи қуёш сув иситгич қурилмалари. Бир контурли термосифон ва насосли қуёшли сув иситиш қурилмалари. Икки контурли антифризли ва дренаж бакли қуёшли сув иситиш қурилмалари.

**Ишдан мақсад:** Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар билан танишиш ва қурилмаларини конструкциялаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар билан танишиш ва қурилмаларини конструкциялаш бўйича амалий масалаларни ечиш.

Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар. Бир ёки икки кават ойнали ясси окиб утувчи қуёш коллекторлари. Концентрациялайдиган қуёш коллекторлари. Ойнасиз ясси коллекторларни қўллаш. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини конструкциялаш. Мавсумий қуёшли сув иситгич қурилмалари. Йил давомида узлуксиз ишловчи қуёш сув иситгич қурилмалари. Бир контурли термосифон ва насосли қуёшли сув иситиш қурилмалари. Икки контурли антифризли ва дренаж бакли қуёшли сув иситиш қурилмалари.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган

холда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

#### **4.4.1. Қуёш коллекторларига қўйиладиган талаблар**

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалар учун, одатда, *бир ёки икки кават ойнали ясси* окиб утувчи қуёш коллекторларини қўллаш лозим. Концентрациялайдиган қуёш коллекторларини ёки *ойнасиз ясси коллекторларни* қўллаш, уларни қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асосланганда гина рухсат этилади.

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларида биноларнинг иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларида ишлатиладиган *сув насосларидан* фойдаланиш лозим.

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларида антифризлардан фойдаланилганда ЦВЦ туридаги ёки зичлиги жихатидан шунга ухшаш бўлган бошқа насослар ишлатилиши лозим.

Турар жой уйларда циркуляция насослари ишлатилиши ёки КМҚ 2.01.08-96 да рухсат этилган меъёрларгача шовкин ва тебранишни камайтириш чоралари қурилиши лозим.

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмасининг бир контуридан бошқасига иссиқлик узатилиши тезкорлик *иссиқлик алмаштиргичлари* ёки *иссиқлик алмаштиргичли* бак-аккумляторлари билан амалга оширилади.


Иссиқлик алмаштиргичларнинг сиртлари хисобланганда, ҳароратли босимнинг ўртacha логарифмик киймати  $5^{\circ}\text{C}$  дан ошмаган холда олиниши лозим.

#### **4.4.2. Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини конструкциялаш**

Қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириб берувчи қурилмалар қуёш коллекторлари деб аталади. Қуёш коллекторлари, улар ёрдамида ҳосил қилинадиган иссиқлик энергиясининг потенциалига, яъни иссиқлик ташувчи мухитнинг ҳароратига қараб шартли равишда 2 турга бўлиниши мумкин. Халқ хўжалигига энг кўп қўлланиладиган қуёш

иситгичлари асосан ясси шаклда бўлиб улардан асосан иссиқлик ташувчи муҳитнинг ҳарорати 100 °C дан ошмаган ҳолларда фойдаланилади. Бундай ҳароратга эга бўлган иссиқлик ташувчи муҳит, масалан сув, турли истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти тизимларида, туар жой бинолари, саноат ва қишлоқ хўжалик обьектларини қиши мавсумида иситиш, шўр сувларни чучуклаштириш ва шу каби мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Ясси қуёш коллекторлари иссиқлик йўқотишдан ҳимояланган ясси қути ичига жойлаштирилган металдан ясалган нур қабул қилувчи сирти қорайтирилган иссиқлик алмаштиргич, яъни муҳит ҳаракатланиши учун маҳсус каналларга эга бўлган ясси панелдан иборатdir. Қутининг қуёшга қаратилган сирти нур ўтказувчан, аммо панелнинг иссиқлик нурланишини ўзи орқали ўтказмайдиган шаффоф материал, масалан оддий дераза шишаси билан қопланади (4.4.1-расм).




**4.4.1-расм.** Ясси қуёш коллектори схемаси:

1- иссиқлик йўқотишдан ҳимояланган қути; 2- шаффоф қоплама; 3- сирти қорайтирилган ясси панел; 4- иссиқлик ташувчи муҳит ҳаракатланувчи канал; 5- қуёш нурланиши.

Қуёш нурлари шаффоф қопламадан ўтгандан кейин сирти қорайтирилган панел томонидан ютилади ва иссиқлик энергиясига айланади. ҳосил қилинган иссиқликни иссиқлик ташувчи муҳит ёрдамида ташқарига олиб чиқилади.

Ясси қуёш коллекторлари ёрдамида ишловчи ва йилнинг баҳор, ёз ва куз мавсумларида хонадонларни иссиқ сув билан таъминловчи қурилмаларнинг схемаси 4.4.2-расмда келтирилган.




**4.4.2-расм.** Мавсумий қуёш сув иситгичи схемаси:

1-яssi қуёш сув иситгичи; 2- иссиқлик йўқотишдан ҳимояланган иссиқ сув жамловчи бак.

Курилма асосан ўзаро қувурлар билан туташтирилган яssi қуёш иситгичи ва исситилган сувни жамловчи бакдан иборат бўлиб, курилмада иссиқлик ташувчи муҳит сифатида иссиқ сувнинг ўзи ишлатилади ва унинг ҳаракати табиий конвекция, яъни термосифон принципига асосланган. Бунинг учун исситилган сувни жамловчи бак қурилманинг тепа қисмига ўрнатилади. Иситгичнинг шаффофф қопламаси сиртига тушувчи қуёш нурларидан оқилона фойдаланиш учун у жанубий йўналишда уфқа нисбатан  $25\div30^\circ$  бурчак остида жойлаштирилади. Иссиқ сув жамловчи бакнинг ҳажми иситгичнинг нур қабул қилувчи сиртига боғлик. Мавсумий қуёшли сув иситгич қурилмаларида уларнинг ҳар бир квадрат метр яssi қуёш иситгичининг сиртига ҳажми  $50\div60$  литр бўлган иссиқ сув жамловчи бак тавсия қилинади. Оптималь вариант  $1\text{кв}/\text{м}$  панелга 60 литр.

Қуёш сув иситгич қурилмаларини йил давомида, жумладан қиши мавсумида ҳам, узлуксиз ишлатиш учун одатда уларни икки контурли қилиб ясалиб, биринчи контур музламайдиган иссиқлик ташувчи муҳит билан тўлдирилади. Иккинчи контур бир томонидан совук сув киравчи ва иккинчи томонидан иссиқ сув чиқиб кетувчи иссиқлик йўқотишдан ҳимояланган жамловчи бакдан иборат. Қурилманинг йил давомида ҳар қандай об-ҳаво шароитида нормал ишлаши учун иссиқ сув жамловчи бакнинг тепа қисмига электр энергияси ёрдамида ишловчи қўшимча иситгич-дублер ўрнатилди (4.4.3-расм).



**4.4.3-расм.** Йил давомида узлуксиз ишловчи қүёш сув иситгичи схемаси:

1.яssi қүёш сув иситгичи; 2- иссиқ сув жамловчи бак; 3- иссиқлик алмаштиргич; 4- қўшимча электр иситгич.


Музламайдиган иссиқлик ташувчи муҳит қүёш курилмасидан олган иссиқлигини иситилаётган сувга иссиқ сув жамловчи бак ичига ўрнатилган иссиқлик алмаштиргич орқали беради.

Музламайдиган иссиқлик ташувчи муҳит сифатида мой (масалан трансформатор мойи), ҳар хил музламайдиган заарсиз суюқликлар (антифризлар) ишлатилиши мумкин. Курилма йил давомида нормал ишлаши учун яssi қүёш сув иситгичини жанубий йўналишда уфқа нисбатан  $40\text{--}45^\circ$  бурчак остида жойлаштирилади. Табиий конвекция, яъни термосифон принципига асосланиб ишловчи курилмаларда иссиқлик алмаштиргичнинг сирти яssi қүёш иситгичи сиртига нисбатан  $4\text{--}5$  баравар камроқ қилиб олиниши етарли ҳисобланади.


Нисбатан катта сиртга, масалан  $100\text{--}200 \text{ m}^2$  эга бўлган қүёш сув иситгич қурилмаларида иссиқлик ташувчи муҳитнинг ҳаракатини жадаллаштириш учун насослардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Бундай ҳолатларда иссиқлик алмаштиргичнинг сирти қүёш иситгичининг сиртига нисбатан  $10\text{--}12$  баравар камроқ қилиб белгиланиши мумкин.

Иссиқлик энергиясига айлантирилган қүёш энергиясидан қиши мавсумида турар-жой биноларини иситиш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Аммо қиши пайтида атроф муҳит ҳароратининг пасайиб кетиши ва қўёшдан келаётган энергия миқдорининг ёз пайтидагига нисбатан 2-2,5 баравар камайишини ҳисобга олсақ, қўёш энергиясидан биноларни иситиш учун фойдаланиш иссиқ сув таъминоти тизимларига нисбатан анча мураккаб

эканлиги келиб чиқади. Шу сабабли биноларни 100 % қуёш энергияси ҳисобига иситиш мушкул масала ҳисобланади. Аммо бинонинг томига ёки ён деворларига ўрнатилган қуёш иссиқлик қурилмалари ёрдамида олинган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб бинонинг қиши мавсумида иситилиши учун зарур бўлган ёқилғининг 30-40 % ни тежаб қолиш мумкин.



**4.4.4--расм.** Бир контурли термосифон (А) ва насосли (В) қуёшли сув иситиш қурилмалари



**4.4.5-расм.** Икки контурли антифризли (С) ва дренаж бакли (Д) қүёшли сув иситиш қурилмалари

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
2. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
3. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
4. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
5. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technik, Berlin, 1982.
6. ҚМК 2.04.16-96. “Қүёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитектқурилишқұми ҮзР, 1996, 31 бет.

## **5-амалий машғулот: Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ҳисоблаш**

Мавсумий дублёрсиз қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг майдони аниқлаш. Қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги топиш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг дастлабки майдони ҳисоблаш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг якуний майдони аниқлаш. Қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш коэффициентини топиш. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод қилинган ёқилғи миқдорини аниқлаш.

**Ишдан мақсад:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ҳисоблаш бўйича амалий кўнималарга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ҳисоблаш бўйича амалий масалаларни ечиш.

Мавсумий дублёрсиз қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг майдони аниқлаш. Қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги топиш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг дастлабки майдони ҳисоблаш. Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг якуний майдони аниқлаш. Қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш коэффициентини топиш. Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод қилинган ёқилғи миқдорини аниқлаш.

Амалий машғулотларнни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланилдиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илфор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Иссиқ сув таъминоти қурилмаларини ҳисоблашни қурилманинг турига (автоном, ёки дублёр билан), йил давомида ишлаш даврига (мавсумий ёки йил давомида), иссиқлик ташувчисини иссиқлик қабул қилиш контурида циркуляция усулига (табиий ёки насосли), қуёш коллекторларининг турига

ҳамда уларни музлашдан ва стагнация холатида қизиб кетишдан химоя қилиш усулига қараб амалга ошириш лозим.

Иссиқ сув таъминоти мавсумий қурилмаларини хисоблаш, одатда, жадваллар ва номограммалардан фойдаланган холда соддалаштирилган усул бўйича бажарилади, йил давомида ишлайдиган қурилмаларни эса – икки босқичда амалга оширилади: дастлабкисида, қуёш коллектори ва иссиқлик аккумуляторининг таянч кўрсаткичлари хисобга олинади, якуний аниқлаштирувчи хисоб-китобда қурилма қуёш коллектори ва иссиқлик аккумуляторнинг ҳақиқий кўрсаткичлари хисобга олинади.

Компьютерли моделлаштириш ёрдамида иссиқ сув таъминоти қурилмаларини хисоблаш, одатда, қуёш коллекторларининг юзаси  $30 \text{ m}^2$  дан ортиқ бўлган юқори қувватли қурилмалар учун бундай хисоб –китобларни кўллаш мақсадга мувофиқли асосланган ҳолда амалга оширилади.

Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларининг ёрдамчи ускуналарини (иссиқлик алмашинувчилари, циркуляцион насослар, дублёр энергия манбаи, бошқариш тизими, кенгайиш баки ва бошқалар) хисоблаш ва танлашни умумий қабул қилинган усулларга мувофиқ амалга ошириш лозим.

Дублёр манбали қурилмаларнинг ҳамма турлари иш даврида қуёш радиацияси йифиндиси энг кўп бўлган ой кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади, дублёр манбасиз тизимлар эса – энг кам бўлган ой кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади.

Мавсумий дублёрсиз қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг майдони  $A$ ,  $\text{m}^2$ , қуйидаги формула орқали аниқланади:


$$A = \frac{V_{\text{с.в}}}{q_{\text{с.в}} \eta_T}, \quad (1)$$

бу ерда  $V_{\text{с.в}}$ - иссиқ сувнинг ўртача суткалик сарфи,  $\text{l}/\text{сут}$ , истеъмолчиларнинг иссиқ сув сарфининг нормаси бўйича КМК 2.04.01-98 З-сонли иловасидан қабул қилинади;

$q_{\text{с.в}}$ - қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги,  $\text{l}/(\text{m}^2 \cdot \text{сут})$ ;

$\eta_T$ - қувурларнинг иссиқлик йўқотишини ҳисобга олувчи коэффициент,  $\eta_T=0,8 \div 0,85$  га тенг деб қабул қилинади.

Қурилманинг иссиқ сув бўйича ўртача мавсумий суткалик солиштирма унумдорлиги  $q_{\text{с.в}}$ ,  $\text{l}/(\text{m}^2 \cdot \text{сут})$ , ни қуёш энергиясининг горизонтал юзага келиб тушадиган умумий кунлик микдори  $E_T, \text{МЖ}/(\text{m}^2 \cdot \text{сут})$ , га қараб аниқлаш лозим (4.5.1-расм), бунда қурилиш майдони учун қурилманинг ишлаш даврининг энг кам микдордаги қуёш нурига эга бўлган ойга мувофиқ КМК 2.01.01-94 ёки З-сонли иловаси бўйича қабул қилинади.



**4.5.1-расм.** Иссик сув таъминоти қурилманинг ўртача суткалик солиштирма унумдорлиги  $q_{\text{э.в.}}$  ни қуёш энергиясининг горизонтал юзага келиб тушадиган умумий кунлик миқдори  $E_G$  га боғликлиги

Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг дастлабки майдони  $A$ ,  $\text{м}^2$ , қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A_{np} = \frac{\theta Q_h}{E_K}, \quad (2)$$

бу ерда  $\theta$ - ўлчамсиз параметр бўлиб, унинг қиймати қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиш  $f$  коэффициентига боғлиқ ҳолда аниқланади (4.5.2-расм);

$Q_h$  – ҳисобий даврга нисбатан олинган иссиқлик юклама: ёзги мавсум ёки 1 йил учун,  $\mathcal{K}$ , қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_h = N V_{\text{э.в.}} \rho c_p (t_{\text{э.в.}} - t_{x.\text{в.}}), \quad (3)$$

бу ерда  $N$  – ҳисобий даврдаги кунлар сони, сут;

$V_{\text{э.в.}}$  – иссиқ сувнинг ўртача суткалик сарфи,  $\text{л}/\text{сут}$ , КМК 2.04.01-98 нинг 3-сонли иловаси бўйича қабул қилинади;

$\rho$  – сувнинг зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;

$c_p$  – сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими,  $c_p = 4190 \text{ Ж}/(\text{кг } ^\circ\text{C})$ ;

$t_{\text{э.в.}}$  – иссиқ сувнинг минимал рухсат этилган ҳарорати,  $^\circ\text{C}$ , КМК 2.04.01-98 бўйича қабул қилинади;

$t_{x.\text{в.}}$  – водопровод совуқ сувнинг ҳисобий ҳарорати,  $^\circ\text{C}$ ;


$E_k$  – ҳисобий даврда қуёш коллекторининг  $1 \text{ м}^2$  сирт майдонига тушаётган қуёш энергиясининг ўртача йиғинди миқдори,  $\text{Ж}/\text{м}^2$ , қуёш

коллекторлари уфқа нисбатан нишаб  $\beta$  бурчаги билан белгиланади ва қуидаги формула орқали аниқланади:

$$E_k = RE_G \quad (4)$$

бу ерда  $R$  – мос равишда қия ва горизонтал юзаларига тушадиган қуёш нурларининг ўртача ойлик миқдорининг нисбати,  $R=1,4$  га  $\beta=\varphi+15^\circ$  бўлганда;  $R=1,1$  га  $\beta=\varphi$  бўлганда;  $R=1,05$  га  $\beta=\varphi-15^\circ$  бўлганда;

$E_G$  - ҳисобий даврда горизонтал юзага тушаётган қуёш энергиясининг ўртача йифинди миқдори,  $\text{Ж}/\text{м}^2$ , қурилиш майдони учун КМК 2.01.01-94 ёки 3-сонли иловаси бўйича қабул қилинади.



**4.5.2-расм.** Қуёш энергияси ҳисобидан иссиқлик юкламасини ўрнини босиши  $f$  коэффициентини  $\theta$  ўлчамсиз параметрига боғлиқлик графиги

#### Назорат саволлари:

- Дублёрли ва дублёрсиз қурилмаларда соатлик ишлаб чиқарувчанлик қандай аниқланади?
- Бир ва икки контурли тизимларда иссиқлик ташувчисининг ҳароратлари қандай қабул қилинади?
- Қуёшли иссиқ сув таъминоти фойдали иш коэффициенти қандай катталикларга боғлиқ?
- Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларида иқтисод қилинган ёқилғи қандай аниқланади?

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.
- Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
- Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиқлик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.

4. Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford University. New York, 2005.
5. Anderson B. Solar energy: fundamentals in building design. 1977.
6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmeerpumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technik, Berlin, 1982.
11. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Аvezov Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. -Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010, 192 стр.
12. ҚМК 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.
13. Ўз РСТ 744-96. Қуёш коллекторлари. Умумий техник шартлари. Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 47 бет.

## **6-амалий машғулот: Қуёшли абсорбцион совитиш қурилмалари билан танишиш**

Ўзбекистон шароитида қуёшли совитиш машиналардан фойдаланишнинг афзаликлари. Даврий харакатли адсорбцион гелиосовитиш қурилмаси. Сутка давомида доимий харакатли гелио адсорбцион совитиш қурилмаси.

**Ишдан мақсад:** Қуёшли абсорбцион совитиш қурилмалари бўйича амалий кўнинмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қуёшли абсорбцион совитиш қурилмалари бўйича амалий масалаларни ечиш.

Ўзбекистон шароитида қуёшли совитиш машиналардан фойдаланишнинг афзаликлари. Даврий харакатли адсорбцион гелиосовитиш қурилмаси. Сутка давомида доимий харакатли гелио адсорбцион совитиш қурилмаси.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурӯҳларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган

ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

#### **4.6.1. Ўзбекистон шароитда қуёшли совитиш машиналардан фойдаланишнинг афзаликлари**

Ўзбекистон шароитида ҳавони кондициялаш тизимларини совуқлик таъминлашда **қуёшли абсорбцион совитиш машиналаридан** фойдаланиш мумкин. Бу совитиш машиналари парокомпрессорли совитиш машиналарига қараганда анча электр энергиясини тежашга имкон беради, чунки уларнинг ишлаши учун электр энергияси эмас, қуёш энергияси керак. Бундай совитиш машиналарининг яна бир афзаллиги шундан иборотки, улар қуёш энергияси қанча қўп бўлса, шунча куп совуқлик ишлаб чикаради, яъни қуёшли иссиқлик қунларда ҳавони кондициялаш тизимларига кўпроқ совиқлик талаб қилингандиги билан уларнинг унумдорлиги хам ортиб боради.

Абсорбцион совитиш машиналарининг **музилиши** хар хил бўлиши мумкин. Уларда **компрессор** вазифасини абсорбентлар (суюқ моддалар) ёки адсорбентлар (қаттик моддалар) бажаради. Бу моддалар совиганда **совитиш агентининг** паст босимида буғларини ютиб (абсорбция ёки адсорбция ходисаси эвазига), қиздирилганида эса юқори босимда чиқаради, яъни компрессор каби ишлайди, лекин электр энергияси урнига иссиқлик (куёш) энергиясини сарфлайди

Амалиётта тадбик қилиш учун анъанавий (электр) энергиясини сарфламайдиган ва ишончлилиги бўйича устунликка эга булган адсорбцион гелиосовитиш қурилмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Абсорбцион машиналарга қараганда (уларда электр энергияси суюқ абсорбентни хайдаш учун насосларда ишлатилади) адсорбцион машиналарда электр эннергияси умуман ишлатилмайди, чунки қаттик адсорбент харакатга келтирилмайди. Шунинг учун факат шу турдаги совитиш машиналарини куриб чиқамиз.

#### **4.6.2. Даврий ҳаракатли адсорбцион гелиосовитиш қурилмаси**

1977 йилда **даврий ҳаракатли** адсорбцион гелиосовитиш қурилмаси (4.6.1-расм) ихтиро килинган (муаллиф Ю.К.Рашидов). Бу ихтириода икки фазали гидротермодинамик жараён қиши пайтида иситиш мақсадида совитиш агентини конденсация иссиқлигидан фойдаланиш ва ёз пайтида адсорбентни ута қизиб кетишдан сақлаш орқали қурилманинг самарадорлигини ва фойдаланиш ишончлилигини ошириш учун қўлланилган.

Қурилма қаттик адсорбент 2 билан тулдирилган генератор 1, конденсатор 3, суюқ совитиш агентининг ресивери 4, буғлатгич 5, 7, беркитиши вентилли қувур 6, айлануб утиш қувури 8, тескари клапан 9,


қўшимча ресивер 10 ва 12 босим патронли термосозлагич вентиль 11 дан ташкил топган.

Қурилма икки режимда ишлайди. Ёзги режимда б қувурдаги беркитиш вентили 7 ёпик булади. қуёш энергияси таъсирида **генератор** 1 да **адсорбент** 2 дан совитиш агентининг, масалан аммиакнинг, буғлари ажралиб чиқади ва **конденсатор** 3 да суюлтирилади. Суюқ аммиак ресивер 4, буғлагич 5 ва қўшимча ресивер 10 да йифилади.

Термосозлагич вентиль 100°C га созланади. Харорат бундан ошганда термосозлагич вентиль 11 очилади ва қўшимча ресивер 10 дан суюқ аммиак генератор 1 ни пастки қисмига қўйилади, унда **канаплик** кучлар таъсири натижасида 2 адсорбент бўйича кутарилиб уни ута қизиб кетишдан химоялайди. қуёш боткандан сунг генератордаги адсорбент совийди ва аммиак буғларини шиддат билан ютади. Бунда қурилмада босим тушади, суюқ аммиак қайнайди ва совуқлик ишлаб чиқади.

Ёзги режимда қурилма кундузги иссиқлик, кечаси эса-совуқлик ишлаб чиқади. қишида беркитиш вентили 7 очик бўлади ва қурилма суюқлик ва буғ каналлари бўлинган иссиқлик қувури каби ишлайди. қуёш нурлари остида адсорбентдан ажралиб чиқадиган аммиак буғлари конденсаторга киради, унда конденсалтаниб, конденсатор оркали окиб утаётган сувни иситади. Суюқ аммиак б қувур бўйича генераторга тукилади.

Куриб чикилган қурилманинг иктисадий самараадорлиги ундан йил давомида иссиқлик ва совуқликни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлигидадир.



**4.6.1-расм. Даврий ҳаракатли адсорбцион гелиосовитиши қурилмаси (A.C.661199, 1979 йил, №17 бюллетеңь):**

1-генератор; 2-қаттик адсорбент; 3-конденсатор; 4-ресивер; 5-буғлатгич; 6-қувур; 7-беркитиш вентили; 8-айланиб утиш қувури; 9-тескари клапан; 10-қўшимча ресивер; 11-термосозлагич вентиль; 12-босим патрони.

Куёшли даврий адсорбцион совитиш курилмаларнинг камчиликлардан бири, совуқликни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш орасидаги катта вақт тафоқтидир, чунки ҳавони кондициялаш тизимларига совуқлик асосан кундузи керак, қачон куёш радиацияси биноларни энг қиздирган пайти бўлганда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
2. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
3. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
4. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
5. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.


#### **7-амалий машғулот: Биомассалардан фойдаланиш курилмалари тузилиши билан танишиш**

Биогаз курилмалари. Биогаз курилмаларисини тузилиши. Биогаз қозонлари. Чиқинди газларни олишнинг намунавий схемаси. Маиший чиқиндилардан ажратиб олинаётган газ.

Даврий ҳаракатли адсорбцион гелиосовитиш курилмасининг камчилиги Ю.К.Рашидов ихтиро қилган гелиоадсорбцион совитиш курилмасида (4.6.2-расм) бартараф этилган.

Кундуз куни қуёш радиацияси таъсирида генератор 1 да қаттик адсорбентдан юқори босим остида совитиш агентининг буғлари ажралиб чиқади. Эжектор 10 соплосида буғлар кенгайиб, буғлатгич 5 дан 7 тармоқ оркали совитиш агентининг буғларини суриб олади. Буғлатгич 5 суюқ совитиш агенти қайнаб, совитиш амалини бажаради.

Буғлар аралашмаси конденсатор 2 киради, унда у атрофдаги ҳаво ёки сув билан суюлтирилади. Суюқ совитиш агенти дросセル вентили 3 орқали ресивер 4 киради, ундан эса буғлатгич 5 куйилади. Бу пайтда тескари клапан 9 генератор 1 ва буғлатгич 5 орасидаги босимлар форки хисобига ёпиқ бўлади.



**4.2-расм. Ю.К. Рашидовнинг гелиоадсорбцион совитиш қурилмаси  
(A.C.808794, 1981 йил, № 8 бюллетень):**

1-генератор; 2-конденсатор; 3-дросель вентили; 4-ресивер; 5-буғлатгич; 6,7-буғлатгични генератор билан боғланиш тармоклари; 8-генераторни конденсатор билан боғланиши; 9-ташқари клапан; 10-эжектор.

Куёш радиацияси бўлмаган, сутканинг кечки ва тунги даврларида, генератор 1 ташқи ҳаво билан совитилади ва ундаги совиттиш агентининг босими қаттиқ адсорбентдаги адсорбция ходисаси хисобига тушади. Генератор 1 даги босим буғлатгич 5 даги босимдан кам бўлиб колади. Тескари клапан 9 очилади ва буғлатгичда суюқ совитиш агентининг

совуқлик ишлаб чиқариш билан бөгөлгөн паст босимдаги қайнаши бошланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.

### **КҮЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**Күчма машғулот: Биноларнинг иссиқлик ва электр таъминотида қуёш энергиясидан фойдаланиш қурилмалари билан танишиш.**

Ўзбекистон Республикаси ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБнинг Физикатехника институти гелиополигонида ўрнатилган Биноларнинг иссиқлик ва электр таъминоти тизимларида қўлланиладиган қуёшли автоном қурилмалари билан бевосита танишиш ҳамда “Халқаро қуёш энергияси институти” нинг бир қаватли намунавий энерготежамкор биносининг қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган иситиш ва электр таъминотининг замонавий жиҳозларини амалдаги иссиқлик-техникавий ва электрик қўрсаткичларини ўрганиш.

Қуёш коллекторлари жанубий ориентациядан  $15^0$  гача оғганда ютилган радиация миқдори  $5\%$  га камаяди,  $30^0$  га оғганда эса –  $10\%$  га.

Йил давомида ишлайдиган дублёрли қурилманинг қуёш коллекторларини нур ютувчи юзасининг якуний майдони  $A$ ,  $\text{м}^2$ , қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$A = \frac{A_{np}}{\varepsilon_\kappa \varepsilon_{ak}} \quad (5)$$


$$\frac{U_{\text{баз}}}{\eta_{\text{баз}}} = 6,3$$

бу ерда  $\varepsilon_k$  – қүёш коллекторининг таянг  $\eta_{\text{баз}}$  Вт/(м<sup>2</sup> °C) қиймати учун қурилган  $f$  ни  $\theta$  бўйича графигига унинг паспорт маълумотлари бўйича


$$\frac{U_k}{\eta_k}$$

олинган ҳақиқий  $\eta_k$  кўрсаткичларининг фарқи таъсирини ҳисобга олувчи тузалиш коэффициенти;

$\varepsilon_{ak}$  – иссиқлик аккумуляторининг қабул қилинган солиштирма  $V_{ak}$  ҳажмини таянч солиштирма  $V_{ak}^{\text{баз}} = 0,05 \text{ м}^3/\text{м}^2$  ҳажмидан фарқини ҳисобга олувчи тузалиш коэффициенти.



**4.5.3-расм.** Қүёш коллекторининг  $\eta_k$  ҳақиқий кўрсаткичларидан тузалиш коэффициенти  $\varepsilon_k$  нинг боғлиқлиги



**4.5.4-расм.** Иссиқлик аккумуляторининг қабул қилинган солиштирма  $V_{ak}$  ҳажмини унинг таянч солиштирма  $V_{ak}^{\text{баз}} = 0,05 \text{ м}^3/\text{м}^2$  ҳажмига бўлган нисбатига  $\varepsilon_{ak}$  тузалиш коэффициентинг боғлиқлиги.

Агар мажбурий циркуляцияли қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмасининг максимал соатлик ишлаб чиқарувчанлиги сув тақсимлаш графиги бўйича талаб қилинганидан юқори бўлса, у ҳолда қурилмаларга бак-

аккумуляторлар ўрнатилиши лозим. Бак-аккумуляторларнинг ҳажми  $V$ , м<sup>3</sup>, қурилмада сув истилишининг ва сув истеъмол қилинишининг суткалик графиклари бўйича аниқланиши лозим, улар йўқ бўлса, климатик районга боғлиқ бўлган ҳолда  $V=(0.06-0.08)A$  формула бўйича, бунда жанубий климатик районлар учун каттароқ қийматни қабул қилиш лозим.

Иссиқлик қабул қилиш контурида иссиқлик ташувчисининг сарфи ўзгариб турганда насосларни танлаш сарфи максимал катталиги бўйича бажарилади.

Иссиқлик ташувчисининг сарфи доимий бўлганда унинг солиштирма сарфи  $20-40 \text{ кг}/(\text{м}^2 * \text{соат})$  оралиғида қабул қилиниши шарт.

Иссиқлик ташувчиси ўзгарувчан сарфли қурилмаларини лойиҳалаштирилган иссиқлик алмаштиргичларни ҳисоби иссиқлик ташувчисини ва сув сарфини ўртacha соатлик қиймати бўйича бажариш лозим.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод қилинган ёқилғи миқдорининг  $B$ , т.ш.ё./йил, ҳисобини қўйидаги формула бўйича бажариш лозим

$$B = 0.0342 Q / \eta_{\text{пот}} \quad (8)$$

бу ерда  $Q$  – мавсум (йил) бўйича қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаси ишлаб чиқарган йифинди иссиқлик миқдори  $Q$ , Гж/йил, 4- сон илова бўйича аниқланади;  $\eta_{\text{пот}}$  – ўрни босилган иссиқлик манбайнинг ФИК.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.
2. Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
3. Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиқлик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.
4. Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford Unevirsity. New York, 2005.
5. Anderson B. Solar energy: fundamentals in building design. 1977.
6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.

11.Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Авезов Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. -Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010, 192 стр.

12.ҚМҚ 2.04.16-96. “Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.

13.Ўз РСТ 744-96. Қуёш коллекторлари. Умумий техник шартлари. Давархитектқурилишқўми ЎзР, 1996, 47 бет.

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

**Кейс №1: Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги.**

### **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”.

**Мавзу:** Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги.

**Берилган case study мақсади:** “Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласида, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Модуль мақсади ва вазифаларини. Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажагини.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чақаради, маълумотларни таққослади, танқидий хулоса чиқаради, тахлил қиласида умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Энергия манбаларининг турлари. Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Энергия манбаларининг турлари, Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва келажаги соҳасининг ривожи учун муҳим бўлган назария модули бутун дунё ривожланган мамлакатларининг университетларида қандай ўрин топган? Бизда СОВЕТ ИТТИФОҚИ даврида бундай модул ўқилганми? Мустақил Ўзбекистонда ушбу йўналишда дастлаб қандай модул ўқилган? Ундан кейин бакалавр ва магистрларга ўқилган модулнинг номи? Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг биноларни иситиш, совутиш ҳамда турли ҳил қурилмаларни нормал ишлаши учун зарур бўлган иссиқлик шароитларни таъминлашдаги аҳамияти?

## **Кейс №2: Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.**

### **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”.

**Мавзу:** Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.

**Берилган case study мақсади:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”га умумий тавсиф беради, тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Қуёш энергиясидан фойдаланиш асосларини. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотларни.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чакаради, маълумотларни таққослайди, танқидий хулоса чиқаради, тахлил қиласи ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари. Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда тахлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Қуёш энергиясидан фойдаланиш асослари нималардан иборат? Қуёш энергияси тўғрисида умумий маълумотлар? Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва асосий муаммолари?

Иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси?

Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг асосий йўллари?

Қуёш энергиясидан фойдаланиш учун янги технологияларни қўллаш?

Атроф муҳитини муҳофаза қилишда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг аҳамияти?

### **Кейс №3: Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларининг жиҳозлари. Қуёш коллекторлари.**

#### **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”.

**Мавзу:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларининг жиҳозлари. Қуёш коллекторлари.

**Берилган case study мақсади:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”га умумий тавсиф беради, тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гуруҳчалар ташкил қиласи, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш

даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларининг жиҳозлари. Күёш коллекторлари.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; фояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантикий хulosса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий хulosса чиқаради, таҳлил қиласи ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Қуёшли иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларининг жиҳозлари. Күёш коллекторлари.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Күёш коллекторлари музлашдан сақлаш усулларини такомиллаштириш?

Күёш коллекторларида стагнация жараёнида температура ва босимни ўта ошиб кетишидан сақлаш усулларини такомиллаштириш?

Яssi қуёш коллекторларининг самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш?

Суюқликлик ва ҳаволи яssi қуёш коллекторларининг янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиши?

Суюқликли қуёш коллекторларининг схемаларини такомиллаштириш?.

Концентраторли қуёш коллекторлари янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиши?

Күёш коллекторларининг самарадорлиги ва уни ошириш усуллари ишлаб чиқиши?

Күёш коллекторлари учун янги селектив сиртларни яратиш?

Иссиқлик қувурли қуёш коллекторлар учун янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиши?

Вакуумланган шишиали қувурсимон коллекторлар учун янги конструктив ечимларини ишлаб чиқиши?

## Кейс №4: Қуёшли совитиш қурилмалари

## **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”.

**Мавзу:** Қуёшли совитиш қурилмалари.

**Берилган case study мақсади:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласы, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Қуёшли совитиш қурилмаларини.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чакаради, маълумотларни таққослайди, танқидий хулоса чиқаради, тахлил қиласы ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Қуёшли совитиш қурилмалари.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда тахлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Пассив совитиш тизимларини такомиллаштириш?

Вентиляция орқали биноларни пассив совитишнинг янги ечимларини ишлаб чиқиш?

Сувни буғлатиш орқали ҳавони совитишнинг самарадорлигини ошириш?

Радиацион совутишнинг янги ечимларини ишлаб чиқиш?

Гелиоиссиқлик насос қурилмаларининг самарадорлигини ошириш?

Сув-аммиакли ҳавони кондициялаш гелиотизимлари такомиллаштириш?

Даврий ва сутка давомида ишлайдиган адсорбцион гелиосовитиш қурилмаларининг янги ечимларини ишлаб чиқиш?

**Кейс №5: Бошқа турдаги Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш.**

## **I. Педагогик аннотация.**

**Модул номи:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”.

**Мавзу:** Бошқа турдаги Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш.

**Берилған case study мақсади:** “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари түшунтирилади, гурухчалар ташкил қиласы, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида түшунчаларга эга бўладилар.

**Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Тингловчи билиши керак:**

Бошқа турдаги Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш.

**Тингловчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; гояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий холоса чиқаради, таҳлил қиласы ва умумлаштиради.

**Case study-нинг обьекти:** Бошқа турдаги Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш.

**Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш” модули бўйича адабиётлар.

**Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:**

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

**Муаммолар:** Биогаз қурилмаларидан фойдаланишда олинган метан газини тўплаш ва сақлаш муаммолари?

Маиший чиқиндилардан ажратиб олинаётган газ босимини тартибга солиш?

Биогаз қозонларининг конструктив ечимларини такомиллаштириш?

Шамол генераторларидан фойдаланилганда шамол тезлигини нотекислигини ҳисобга олиш?

Кичик ва микро гидроэлектростанциялар қувватини түғри аниқлаш ва жойлаштириш?

Геотермал сувларнинг иссиқлигидан фойдаланилганда юқори минерализацияга эга бўлган чиқинди сувларни атроф муҳитга зарар келтирмаслигини таъминлаш?

Геотермал иссиқлик ташувчисини ўзига ҳослигини ҳисобга олиш?

Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг принципиал схемаларини такомиллаштириш?

Бир ва икки контурли ҳамда уйғунлашган тизимларни ҳисоблаш?

Геотермал иссиқлик таъминоти тизимларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш?

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
Энергетика	энергетик ресурсларни ишилаб чиқариши, узатиши, ўзгартириши, аккумуляция қилиши, тарқатиши ва турли кўринишидаги энергиялардан фойдаланиши тизимларини қамраб олган иқтисодиёт, илм ва техника йўналиши	<i>Economic, scientific, and the technical direction covering development, transfer, transformation, accumulation and distribution of power resources, systems of use of various kinds of energy</i>
Энергия ташувчи	турли агрегат холатдаги (қаттиқ, суюқ ва газ) модда ва материяни бошқа кўринишидаги (плазма, майдон нурланиши ва ҳ.к) маълум бир энергияга эга бўлиб энергия билан таъминлаш мақсадида фойдаланувчи модда	<i>Substance in a various modular condition (firm, liquid and gaseous) and a matter in other kind (plasma, a field, radiation etc.) possessing certain energy and used for power supply</i>
Муқобил энергия манбалари	Қайта тикланадиган энергия манбалари: қуёш, шамол, термал сувлари, дарё, денгиз, океан сувларининг энергияси	<i>Renewed energy sources: solar energy, wind power, geothermal waters, the rivers, the seas and oceans</i>
Анъанавий энергия манбалари	Қайта тикланмайдиган энергия манбалари: қўмир, нефт, табиий газ, ядер ёқилги	<i>Not renewed energy sources: coal, oil, natural gas, nuclear energy</i>
Қайта тикланадиган энергия манбалари	Қуёш, шамол, термал сувлари, дарё, денгиз, океан сувларининг энергияси	<i>Solar energy, wind power, geothermal waters, the rivers, the seas and oceans</i>
Бирламчи энергия манбалари	Қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбалари	<i>Renewed and not renewed energy sources</i>
Ёқилги-энергетик ресурслар	техника ва технологияни тараққиёти бўйича хўжалик доирасида фойдаланиши учун захирадаги қазиб олинаётган ёқилги ва ишилаб чиқариши энергия ташувчилар мажмуаси	<i>Complex extracted from deposits and made energy carriers for use in the technician and technology developments in economic sphere</i>

<i>Қайта тикланувчан ёқилғи энергетик ресурслар</i>	<i>табиий жараёнлар натижасыда узлуксиз түлдириб турладиган табиий энергия ташувчилар</i>	<i>Natural energy carriers continuously filled up as a result of natural processes</i>
<i>Нотрадицион қайта тикланувчан энергия манбалари</i>	<i>биомассасини тұғридан-тұғри ёқиши ва гидроэнергиядан бошқа барча турдаги қайта тикланувчан энергия манбалари.</i>	<i>All kinds of renewed energy sources except hydraulic power and directly burnt biomass</i>
<i>Қайта тикланадиган энергетика</i>	<i>қайта тикланувчан энергия манбаларини бошқа турдаги энергияга айлантириш соҳа</i>	<i>Area of transformation of renewed energy sources in other kinds of energy</i>
<i>Шамол энергетикасы</i>	<i>шамол энергиясидан фойдаланиб механик, иссиқлик ва электр энергияси олиши билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	<i>Area of use of wind power for reception of mechanical, thermal and electric energy</i>
<i>Гидроэнергетика</i>	<i>сув ресурсларидан фойдаланиб механик энергия олиши билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	<i>The branch connected with reception of mechanical energy for the account of use of water resources</i>
<i>Қуёш энергетикасы</i>	<i>қуёш энергиясидан фойдаланиб иссиқлик ва электр энергияси олиши билан бөглиқ бўлган соҳа</i>	<i>The branch connected with reception of thermal and electric energy for the account of application of solar energy</i>
<i>Қуёш ёрдамида иссиқлик билан таъминлаш</i>	<i>қуёш нуридан иситиш, иссиқ сув билан истеъмолчиларни технологик эхтиёжларини таъминлаши мақсадида фойдаланиши.</i>	<i>Use of solar energy for heating and supply of hot water for technological needs of consumers</i>
<i>Қуёш ёрдамида иссиқ сув билан таъминлаш</i>	<i>қуёш нури энергиясидан, машиий- коммунал ва технологик заруриятлар учун сувни қиздириб берииш мақсадида фойдаланиши.</i>	<i>Use of solar energy for heating of water for economic-household and technological needs</i>
<i>Қуёш батареяси</i>	<i>қуёш энергиясини электр энергиясига тұғридан-тұғри ўзгартиришининг турли физик</i>	<i>Element for direct transformation without concentration of solar</i>

	<i>омилларига ассоан ишлаб чиқарылған элемент</i>	<i>energy in electric energy</i>
<i>Күёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини иссиқлик энергиясига тұғридан-тұғри айлантириб берувчи элемент</i>	<i>Element for transformation of solar energy to thermal energy</i>
<i>Ясси қүёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини концентрация қылмасдан туриб иссиқлик энергиясига айлантириши элементи</i>	<i>Element for transformation without concentration of solar energy in thermal energy</i>
<i>Фокуслайдиган қүёш коллектори</i>	<i>күёш энергиясини концентрация қилиб иссиқлик энергиясига айлантириши элементи</i>	<i>Element for transformation with concentration of solar energy in thermal energy</i>

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар:**

1. Rashidov Yu.K. Issiqlik, gaz ta`vinoti va ventilatsiya tizimlari. Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho`lpon, 2009. – 186 b.
2. Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиклик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2002. – 146 б.
3. Рашидов Ю.К., Турсунова У.Х., Мамажонов Т.М., «Иссиклик таъминоти», Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ, 2000 й.
4. Aldo Vieira da Rosa. Fundamentals of Renewable Energy Processes. Stanford Unevirsity. New York, 2005.
5. Anderson B. Solar energy: fundamentals in building design. 1977.
6. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar energy thermal processes. New York, 1974.
7. Duffie J.A., Beckman W.A. Solar Engineering of Thermal Processes. New York, 2006.
8. Szokolay S.V. Solar energy and building. The Architectural Press, London Halsted Press Division, 1975.
9. Twidell J.W., Weir A.D. Renewable energy resources. London, 1986.
10. Heinrich G., Najork H., Nestler W. Wärmepumpenanwendung in Industrie, Landwirtschaft, Gesellschafts- und Wohnungsbau. VEB Verlag Technig, Berlin, 1982.
11. Клычев Ш.И., Мухаммадиев М.М., Авезов Р.Р., Потаенко К.Д. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии. -Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010, 192 стр.
12. ҚМҚ 2.04.16-96. “Куёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари”, Давархитекткурилишқўми ЎзР, 1996, 31 бет.
13. Ўз РСТ 744-96. Куёш коллекторлари. Умумий техник шартлари. Давархитекткурилишқўми ЎзР, 1996, 47 бет.

## **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти).
8. [www.gkas.uz](http://www.gkas.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси расмий сайти).